


САИД ШЕРМУХАМЕДОВ

ФАЛСАФА ВА ИЖТИМОИИ ТАРАҚҚИЁТ



18	М	Людоед Н.И.	1	18
19		Людоед Н.И.		18
20		Людоед Н.И.		18
21		Людоед Н.И.		18
22		Людоед Н.И.		18
23		Людоед Н.И.		18
24		Людоед Н.И.		18
25		Людоед Н.И.		18
26		Людоед Н.И.		18
27		Людоед Н.И.		18
28		Людоед Н.И.		18
29		Людоед Н.И.		18
30		Людоед Н.И.		18
31		Людоед Н.И.		18
32		Людоед Н.И.		18
33		Людоед Н.И.		18
34		Людоед Н.И.		18
35		Людоед Н.И.		18
36		Людоед Н.И.		18
37		Людоед Н.И.		18
38		Людоед Н.И.		18
39		Людоед Н.И.		18
40		Людоед Н.И.		18

18	М	Людоед Н.И.	1	18
19		Людоед Н.И.		18
20		Людоед Н.И.		18
21		Людоед Н.И.		18
22		Людоед Н.И.		18
23		Людоед Н.И.		18
24		Людоед Н.И.		18
25		Людоед Н.И.		18
26		Людоед Н.И.		18
27		Людоед Н.И.		18
28		Людоед Н.И.		18
29		Людоед Н.И.		18
30		Людоед Н.И.		18
31		Людоед Н.И.		18
32		Людоед Н.И.		18
33		Людоед Н.И.		18
34		Людоед Н.И.		18
35		Людоед Н.И.		18
36		Людоед Н.И.		18
37		Людоед Н.И.		18
38		Людоед Н.И.		18
39		Людоед Н.И.		18
40		Людоед Н.И.		18



Handwritten text in blue ink, possibly a signature or initials.

Handwritten number '10' in blue ink.

87
1149

САИД ШЕРМУХАМЕДОВ



11

ФАЛСАФА ВА ИЖТИМОЙИ ТАРАҚҚИЁТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ
«ФАН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 2005

Масъул мухаррир: Омонулла Файзуллаев, Фалсафа
фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар: Иброҳим Каримов – фалсафа
фанлари доктори, профессор.

Ботир Валиев – фалсафа фанлари
номзоди, доцент

Мазкур рисолада муаллиф, фалсафа – инсоният ривожининг, ижтимоий – сиёсий, иқтисодий, маданий, тарихий эҳтиёж ва зарурятининг тақозоси сифатида шаклланганлиги ва унинг равнақи жараёни мантиқий тизимда ёритилган.

Шунингдек фалсафанинг структураси (тузилиши), функцияларининг ижтимоий тараққиётдаги роли, ўрни ва аҳамияти ҳақидаги муаммолар ҳам батафсил баён этилган. Айниқса Ўзбекистон мустақилликга эришгандан кейинги даврда фалсафанинг ҳозирги аҳволи, унинг истиқболи, мустақилликнинг мафкуравий асосларини мустаҳкамлаш ва ниҳоят ижтимоий тараққиётининг қудрати қуроли эканлиги алоҳида қайд этилган.

Қўлёзма Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини Фалсафа факультетининг Илмий кенгашида муҳокама қилиниб нашрга тавсия этилган.

Ушбу рисола қўлёзмасини ўқиб ўзларини қимматли фикр мулоҳазаларини айтган, Мирзо Улуғбек номидаги университетининг Фалсафа факультетини «Иштимоий фалсафа кафедраси» мудирини фалсафа фанлари доктори Бердиқул Тўйчиев, Фалсафа фанлари доктори профессор Абдухафиз Жалолов, Фалсафа фанлари номзодлари, дотцентлар Миржалол Усмонов, Маматхон Шариповга, ҳамда компьютерда саҳифалашга ёрдамлашган, Акмалжон Исмоилов ва Равшанжон Хамитовларга муаллиф ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

I. ФАЛСАФАНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАРИХИЙ ВА ИЖТИМОЙ – МАДАНИЙ ҚОНУНИЯТИ

Ҳар бир фан ўзининг тадқиқот объекти ва предметига, тушунча ва категорияларига, бошқа фанлар тизимида ўз ўрнига эга. Ушбу белгиларга қараб биз ҳар бир фаннинг мақсадини билиб оламиз, унинг ижтимоий – маданий тараққиётга қўшадиган ҳиссасини идрок этамиз.

– «Олдин сўзлар моҳиятини аниқланг – деб маслаҳат беради Гельвиций – ана шунда сиз кишиларни хато фикрлашдан ҳалос этасиз». Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз аввало «философия» сўзининг маъносини ва унга юклатилган моҳиятини аниқлашимиз зарур.

«Философия» атамаси грекча «Phileo» (севиш, яхши кўриш) ва «sophia» (донишмандлик) сўзларининг бирикмасидан ташкил топган. У донишмандликни севиш, яхши кўриш деган маънони англатади. Уни илк бор Пифагор (эр. ав. VI асрнинг иккинчи ярми – V аср бошлари) ишлатган. Худди шунингдек унинг ўзи, «Фалсафа донишмандликми ёки фан?» – деган саволни ҳам қўйди. Шундан бери йигирма беш аср ўтган бўлсада ушбу савол вақти – вақти билан турли ёндашувларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Софистлар фалсафани ҳар ким ўзига қулай ва фойдали бўлган нуқтаи назардан исботлаш донишмандлиги деб билганлар. Платоннинг (эр. ав. 428 – 347) фикрига кўра, фалсафанинг вазифаси абадий ва мутлоқ ҳақиқатни билишдир. Аристотелнинг фикрига кўра, фалсафанинг предмети борлиқ ибтидоси ва сабабини, вазифаси эса мавжудликдаги умумийликни аниқлашдан иборатдир. Р. Декарт фалсафа «нафақат фаолиятдаги аниқлик, балки инсон идрок этиши мумкин бўлган нарсалар ҳақидаги

тўлиқ билимдир», деб таъриф беради. Гегелнинг талқинига кўра фалсафа тадқиқотнинг биринчи шарти ҳақиқатга нисбатан ботирлиқдир. Испан файласуфи Хосе Ортега и Гассет ва Н.Бердяев фалсафани донишмандлик илми деб билганлар. Масалан, Н.Бердяев фикрига кўра, философия инсон руҳининг заруриятга бандилик ва қарамликдан озод ижодкорлигидир¹.

Бертран Рассел, илоҳиёт (теология) билан фан ўртасида ҳеч кимники бўлмаган ер бор, у — фалсафадир, деб кўрсатади².

А.Камюнинг ёзишича кўп фикрловчи қадимги файласуфлар ўрнига бугун кўп китоб ўқувчи, яъни фалсафа билан шуғуланувчи профессор файласуфлар пайдо бўлди. Аҳвол шу даражага етдики, бирорта нуфузли файласуф асарига мурожаат қилмаган ёки ундан шарҳ келтирмаган асарни ҳеч ким жиддий қабул қилмайди... Агар ҳақиқий файласуф бўламан десангиз романлар ёзинг³.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, фалсафа нима деган саволга ҳам, унинг вазифалари, предмети ҳақида ҳам ҳар хил ёндошувлар мавжуд. Ҳатто бу ранг — баранг фикрлар ҳақида И.Г.Фихте кинойа билан «ҳатто ҳақиқий файласуф — ижодкорлар ичида фалсафа нима деган саволга жавоб бера оладиган олти киши топилмайди»⁴ деб эътироф этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё халқлари ижтимоий — фалсафий фикр тарихида илк ўрта асрлардаёқ фалсафа нима?, унинг инсон маънавий камолотида аҳамияти қандай? «Олам — одам» муносабатлари тизимида қандай тамойилларга суянади? Хусусий фанлар, хусусий табиий — илмий фанлар билан қандай муносабатда бўлади? деган саволларга ўша давр ижтимоий — иқтисодий, маданий — маънавий ҳаётида

¹ Қаранг: Бердяев Н.А. Философия свободы. Смысл творчества — М.: Правда, 1989 — с.264—268.

² Рассел Б. История западной философии. — Новосибирск, 1999 — с.11.

³ Қаранг: Афоризмы. Классическая философская мысль. — Мишель, Сов. Лит—ор, 1999г.— с. 84.

⁴ Матн таржимаси М.М.Хайруллаевнинг «Ўйғониш даври ва Шарҳ мутафаккири» китобидан олинди. «Ўзбекистон», 1971, 167—бет

эришган ютуқларига асосланган ҳолда жавоб беришга ҳаракат қилишган. Чунончи, Абу Наср Фаробий (872—950) «Фалсафани ўрганишдан олдин нимани ўрганиш кераклиги тўғрисида» рисоласида шундай ёзади: «Кимки фалсафани эгаллашга интилса, аввал ўзини унга тайёрлаши керак, кейин эса завқ — шавққа эмас, балки фақат ҳақиқатчи бўлган мавқеини сақлаб қолиш учун ўз ахлоқини табиий мақомлардан халос этиши керак ва шу билан бирга, фалсафа учун асл мақсади бўлиб қолиши учун сўзловчи руҳнинг қувватини (фикрлаш ва нутқни) ўткирлаш керак».

Демак, фалсафа кишилардан энг аввало фалсафани ўргатувчидан юксак маънавий — маърифий камолот даражасига кўтаришини талаб этади. Шунингдек, мутафаккирнинг таъкидлашича, фалсафани эгаллашнинг энг асосий воситаси назарий ақл орқали олинадиган илмлар бўлиб, у ишлаш маърифий ҳаётининг сарчашмасидир. Уларни эгаллаш туфайли инсон ҳаким (донишманд)ликка эришади. Ҳикмат илмларнинг энг чўққиси бўлса, ҳаким (донишманд)лик билимдонликнинг энг чўққисидир. «Назарий ақл шундай кучки, унга қиёс ҳам, исён ҳам, хато ҳам аралаша олмайди». Бу ақл илмларнинг асосий тушунчаси, зарурий хулосалар мажмуаси ва маърифат сарчашмасидир. Ижтимоий назарий ақл туфайли барча мавжудотлар ҳақидаги билимлар мажмуаси бўлган назарий билим келиб чиқадики, унинг таянч сунъий эмаслиги маълум бўлади. Ҳикмат «илмлар афзали» бўлса, ҳаким «мавжудотлар афзали»дир. Чунки, ақл энг яхши илмлар воситасида тафаккур қилади ва билиб олади. «Илмлар афзали» (Фалсафа — С.Ш.) шундай илмки, у ҳеч қачон завол топмайди ва доимо мавжуд бўлади.¹

Фаробийнинг замондошлари бўлган Абу Бақр Закариё ар — Розий (865—935) фалсафанинг аҳамият ва инсон маънавий камолотидаги юксак аҳамияти ҳақида шундай ёзади: «Кимки фалсафани эгаллашга жаҳду — жадол қилса, ва уни эгаллашга муваффақ бўла олса, у ҳақиқат йўлидан

¹ Абу Наср Фаробий, Фузулий, бахт — саодат ва камолот ҳақида. Т «Ёзувчи», 2001. 24 — 25 бетлар

юрувчи деган ном олишга сазовордир. Ҳақиқатдан ҳам одамлар қалби ва руҳи дунёдаги бузуқликлар ва зулматдан фалсафа туфайли софланади. Фақат фалсафани эгаллаш туфайли уларнинг руҳи шафоат топади».

Буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний (973 — 1048) гарчи фалсафани моҳияти, унинг вазифаларига бағишланган махсус асар ёзмаган бўлса ҳам, ўз асарларида табиат ва жамиятнинг хилма — хил ҳодисаларини таҳлил қилар экан, уларни фалсафий нуқтаи — назардан ёритишга ҳаракат қилган. Ушбу масалада Беруний илмий меросининг аҳамияти, шундаки, у энг аввало фалсафанинг табиат ва унинг ҳодисаларини ўргатувчи фанлар билан алоқа ва муносабатини аниқлаш масаласига катта эътибор беради. Унингча, фалсафа хусусий фанлар, жумладан табиий фанлар орқали ўзига йўл очиб боради, зеро ушбу фанлар фалсафани англаш ва эгаллашга ёрдам беради. Иккинчи томондан эса, олимнинг таъкидлашича, табиий фанлар ўз навбатида фалсафага тадқиқ қилиш ва исботлаш усуларини ишлаб чиқишда ёрдам беради. Ушбу алоқанинг моҳияти ҳақида Беруний ўз шогирдларидан бирига шундай таъкидлайди: «Тажриба ортириб бориб, табиий фанлардан илоҳий фанларни англашга қараб борасан».

Олим фалсафани «Илоҳий фан» (метафизика, натур фалсафа — С.Ш.) деб атаган ҳолда уни «исботлаш тамойилларига бўлинишини таъкидлайди». Зеро «Кимки бу йўлдан бормаси, албатта хато қилади».¹ Ушбу фикрнинг исботи сифатида олимнинг «Ҳиндистон» асарида билдирган қуйидагича фикрни келтириш мумкин: «Гарчи юнон файласуфлари ҳақиқатни излашга қаттиқ жаҳду — жадал қилган бўлсаларда, ҳақиқатда омма дунёқарашини билан боғлиқ масалаларда (яъни табиий фанларга асосланмаган қарашларда — С.Ш.) ўз динлари аллегория (рамзий ифодалаш усули — С.Ш) ларидан ва уларнинг қонунлари кўрсатмалари чегарасидан чиқа олмадилар»²

¹ Қаранг: Газали. Избавляющий от заблуждений. В кн. Григорян С.Н. Из истории народов Средней Азии и Ирана VII — XII вв. М., 1960 — стр 223.

² Қаранг: Газали. Избавляющий от заблуждений. В кн. Григорян С.Н. Из истории народов Средней Азии и Ирана VII — XII вв. М., 1960 — стр 223.

Марказий Осиёда илк ўрта асрларда етишиб чиққан қомусий олим — мутафаккирлар фалсафанинг моҳияти, унинг дунёвий илмларга, хусусан табиий фанларга таяниши, фалсафа ва табиий фанлар бир — бири билан чамбарчас алоқасиз ривожлана олмаслиги, бундай алоқа ҳар икки томонга наф келтириши ва ҳар икки томон тараққиётини белгилаш ҳақида шундай ишончли хулосаларга келдиларки, бунга илоҳиёт илминини нисбатан мантиқий фикрлашга мойил намоёндалари ҳам ишонч ҳосил қилдилар. Чунончи, ислом дунёсида «имом», «Ҳужжатул ислом» каби фахрий унвонларга сазовор бўлган Абу Ҳамид Ғаззолий (1058 — 1111) бизнингча, айрим шароитлар тақазоси билан фалсафий дунёқарашнинг муҳим тамойилларига қарши махсус асар ёзган бўлса ҳам, фалсафа асосан илм — фанга, шу жумладан аниқ исбот — далилли фанларга таянишини алоҳида таъкидлайди: «Билгинки, фалсафий фанлар олти тармоққа бўлинади: математика, мантиқ, физика, метафизика, сиёсат ва ахлоқ»¹

Демак, дунёқараш сифатида метафизика қандай ўрин эгаллаш, дунёвий илмлар ҳисоблаш математикаси, физика, мантиқ, сиёсат ва ахлоқ ҳам дунёқараш масаласида ўз ўрнига эга. Шуниси ниҳоятда диққатга сазоворки, Ғаззолий ушбу фанлар билан дин ўртасида ҳеч қандай зиддият бўлмаслиги керакли, дин билан бу фанлар бир — биридан мустақил эканлиги, хатто ушбу фанлар ишончли эканлигини таъкидлайди. Бу хусусида унинг қуйидаги фикрини келтириш мумкин: «Математика фанига келсак, у арифметика, геометрия ва астраномияга ажралади. Уларнинг дин масалалари билан инкор қилиш маъносиди ҳам, исбот қилиш маъносиди ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар исботли фанлар бўлиб, уларнинг моҳият — мазмуни англанса ва эгаллаб олинса, уларни инкор қилиш мумкин эмас»²

¹ Қаранг: Трактат определение хорд в круге при помощи ломанной линии, вписанной в него, Абу Райхона Мухаммада ибн Ахмада ал — Беруни. Сб. «Из истории науки и техники в странах Востока» вып. М., 1963. стр. 93.

² Қаранг: Абу Райхан Беруни. Избр. Произв. Т. II. Т. 1963 стр. — 60.

Газзолий физика, мантиқ каби фанларга нисбатан ҳам худди шундай фикрларни айтади. «Дин тиббиёт асосларини инкор қила олмаганидек, физика фанини инкор қилишга унинг ҳеч қандай асоси йўқ»¹

Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафасининг мазмун — моҳияти, дунёқарашлар интизомида тутган ўрни, инсон ва жамият маънавий камолоти учун аҳамияти, дунёвий ва диний илмлар билан муносабати масаласида билдирган фикр — мулоҳазалар ва ғоялари ўрта асрларда Ғарбий Европада ҳам фалсафага бўлган қизиқишни уйғотди, фалсафий фикрлар рифожига таъсир кўрсатди. Айтиш мумкинки, илк ўрта асрларда Ғарбий Европада фалсафий фикрлар вужудга келишида қадимги Юнонистон файласуфлари асарларидан, кўпроқ мусулмон шарқи файласуфлари, хусусан Марказий Осиё файласуфлари асарларидаги ғояларнинг таъсири кучлироқ бўлган.

Ҳозирги кунда фалсафий муаммолар билан шуғулланаётган ранг — баранг мактаблар, оқимлар ва ижодкорлар мавжуд. Буни ижобий ҳол сифатида қараш керак. Фикрлар ва ёндашувлар ранг — баранглигигина фалсафани бидъат, қотиб қолган қоидалар, схемалар ва таърифлардан асрайди, унинг инсон руҳига, ақлу — тафаккурнинг беором изланишиларига мос тарзда ривожланишига ёрдам беради. Шу билан бирга, фалсафий мактаблар, оқимлар ва ижодкорлар қанчалик кўп бўлмасин, улар ўрганадиган муоммоларда муштараклик, умумийлик, яқинлик ҳам мавжуд. Уларни қуйидагиларда кўриш мумкин.

1. Борлиқнинг умумий масалаларини тадқиқ этишда. Бу йўналиш фалсафада онтология деб аталади.
2. Билишнинг умумий муаммоларини тадқиқ этишда. Бу йўналиш фалсафада гносеология дейилади.

¹ Қаранг: Газали. Избавляющий от заблуждений. В кн. Григорян С.Н. Из истории народов Средней Азии и Ирана VII — XII вв. М., 1960 — стр 223.

3. Ижтимоий муносабатлар ва жамият ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганишда. Ушбу йўналиш ижтимоий фалсафа деб юритилади.

4. Инсон ҳаёти, унинг борлиқ, билиш ва жамият билан боғлиқ умумий тақдирини ўрганишда. Бу йўналиш инсон фалсафаси дейилади.

5. Инсон фаолияти жараёнида яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг умумий масалаларини тадқиқ этишда. Бу йўналиш маданият фалсафаси деб аталади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **фалсафа борлиқ, билиш, ижтимоий муносабатлар, инсон ҳаёти ва унинг фаолияти билан боғлиқ умумий масалаларни ўрганувчи фандир дейишимиз мумкин.** Бироқ бу таъриф ҳали фалсафанинг моҳиятини тўлиқ очиб беролмайди, шунинг учун биз фалсафанинг ўзи нима, унинг қонуналари, қоидалари ва тамойиллари қандай бўлган деган саволларга ҳам жавоб беришимиз лозим. Ана шундагина фалсафанинг махсус илм соҳаси, ўз объекти ва предметларига эга фан эканлигини англаймиз.

Энг аввало шуни айтишимиз зарурки, фалсафа ўз моҳиятига кўра — **дунёқарашдир.** Одамнинг дунёқарashi қандай бўлса унинг фалсафаси, ёки аксинча, фалсафаси қандай бўлса дунёқарashi ҳам шундай бўлади. Аммо дунёқараш фалсафадан кенг. У бадий, диний, сиёсий ва бошқа кўринишларга ҳам эга, аммо улардан фарқли ўлароқ фалсафа ялпи умумий таснифга эга. Фалсафа узоқ борлиқни, «Олам-одам» муносабатларини илмий-идрок этишга имкон берадиган **дунёқарашдир.** Шунинг учун ҳозирги замон фалсафа фани борлиқни, оламини, унда инсоннинг ўрни (қудрати)ни илмий манзарасини шакллантирувчи назарий фандир.

У ўзининг ички хусусиятларига, қонуниятларига, категорияларига, тамойилларига, ифода усулларига эга. Бинобарин, у бошқа фанлар тадқиқот доирасига кирмайдиган ўзининг махсус предметига эгадир.

Фалсафа қачон пайдо бўлган? Унинг келиб чиқишини тақозо этган заруратлар нималардан иборат? Ушбу саволларга жавоб излаш фалсафанинг келиб чиқиши, борлиқни идрок этишда фалсафанинг ўрни ҳақидаги тасаввурларимизни ойдинлаштирибгина қолмай, улар ҳақидаги билимларимизни чуқурлаштиришга ёрдам беради. Шу тариқа биз фалсафанинг маданият, тараққиёт ва инсон ҳаётидаги ўрни, мазмуни, вазифалари, моҳияти нимадан иборатлигини билиб оламиз.

Инсон томонидан оламни идрок этишнинг илк тарихий шакли — миф ёки афсона, ривоятлардир. Миф нима ўзи? *Миф табиатни, коинотни, ҳаётни тинсоллар билан мажозий ва рамзий идрок этиш, табиат ва жамият ҳодисаларини инсонлаштириш (антропоморфия), табиий ва ижтимоий—маданий ҳодисаларини айнанлаштириш, объект ва субъектни ажратмай, яхлит ҳолда тасаввур қилиш, нарса ва белги, буюм ва сўз, мавжудот ва унинг номини қандай келиб чиққанини тушунтиришдир.* Мифлар турли халқларнинг узоқ замонлардаги самовий кучлар — маъбудлар ва қахрамонларнинг жасоратлари ҳақидаги эртакнамо, фантастик — ҳаёлий ҳикояларидир. Қадим замонларда одамлар бу самовий кучлар эртак, ҳаёлий эмас, балки ҳақиқат деб тасаввур қилганлар.

Юнонларга кўра, Зевс — Қуёш ва олов маъбудиди, Гера — Ер ва ҳосилдорлик маъбудаси, Аполлон — санъат, спорт мусобақаларининг пири, Афина — илм — фанлар ифодаси, Арес (Бахром) — жанг, урушлар пири, Афродита — Гўзаллик маъбудаси деб тасаввур қилганлар. Улар ҳар бир табиат ҳодисасининг илоҳий қудратга эга ўз маъбудиди бор, унга ибодат қилиш ҳаёт мушкулликларини енгишга ёрдам беради, деб ўйлаганлар.

Шарқ халқлари ҳам қуёшга, оловга, турли хайвонларга ва бутларга сиғинганлар. Мажусийлик ва мушриклар оламнинг бир бутунлигини яхшироқ тушунтирар эдилар.

Мифологик, мажозий тафаккур, онг қадимги замон одамлари учун оламни ва табиат кучларини, жамият ҳамда айрим одамлар ҳаётини бошқарувчи бир бутун, яхлит, ягона вужуд деб тушунар эдилар. Маълум маънода мифологик онгдаги борлиқ, оламнинг турли ҳодисаларини ўзаро сабабий алоқадорликда тушуниш — ўз даврининг дунёқараши эди. Чунки қуёшни, осмонни, Ерни, дарёларни, шамол ва оловни муқаддас деб билиш табиат экологиясини асрашни талаб қилар эди. Қадимги одамлар мана шу табиат кучлари мутаносиблигини бузиш Худо ва фаришталарнинг ғазабини келтиради, деб ўйлар ва табиатни вайрон қилмас эдилар. Шунинг учун, мифологик тафаккур ва тасаввурлар одамларнинг яшаш шароитларига айланган эдилар.

Шуни алоҳида такидлаш зарурки, мифологик онг ва тасаввурлар қадимги одамларнинг оламдаги ўз ўрни ва бурчларини англаш эҳтиёжидан келиб чиққан эди.

Мифологик дунёқарашга антропоморфизм¹, натурализм² яъни, табиатга яқинлик; традиционализм³, яъни анъанавийлик, синкретизм⁴, яъни уйғунлик ва яна олам ҳаётини бадий — образли идрок этиш ва акс эттириш хосдир. Уларнинг ҳаммаси оламни билиш йўлидаги илк қадамлар эди.

Афсона ёки ривоятлар синкретик фикрлаш меваси бўлиб, улар оламни бадий — ҳиссий, моддий ва руҳий талқин этишнинг кўринишидир. Миф қадимги

¹ Антропоморфизм — юнонча «инсон» ва «шакл» сўзларидан ясалган бўлиб, у жонсиз табиат ҳодисаларини, самовий жисмларни хайвонот ва афсонавий мавжудотларни феъл — аъвор жихатидан инсонларга ўхшатишдир.

² Натурализм — латинча: табиатга даҳлдор, табиийлик деган маънони англатади. Бу дунёқарашга кўра табиат жисмлари ва ҳодисалари жонли мавжудотлар ҳисобланади.

³ Традиционализм — латинча, авлоддан — авлодга етказиш анъанаси. Бундай дунёқараш ва ҳуқ — аъвор шакллари аждодлардан авлодларга ўтиб келади.

⁴ Синкретизм — юнонча «бириккан — қўшилган» маъносига. Бундай дунёқарашда оламдаги объектив ва субъектив, моддий ва руҳий, реал ва хаёлий қарашлар, ҳаёт тарзи мифологик онг қонуниятларига асосланади.

дунёқараш бўлиб, унинг ўз маънолар олами ва ҳақиқатни ўзига хос тарзда идрок этиш усуллари мавжуд эди.

Барча халқларнинг мифологиясида, асосий мавзулар, мотивлар бор. Улар космогония (оламнинг бошланиши, кўкдаги ой, юлдузларнинг пайдо бўлиши сабаблари ва ҳаказо.), одамларнинг, (асосан, қаҳрамонларнинг) келиб чиқиши, туғилиши ва ўлиши, ҳаётини бошқичлари, турли оғир синовлардан ўтиши, оловнинг келиб чиқиши, ҳар — хил касб — ҳунарлар, урф — одат ва маросимларнинг вужудга келиши кабилардир.

Авлоддан авлодга ўтиб келадиган, оламини, ҳаётни тушунишга ёрдам берадиган мифларда муқаддас, улғувор нарсалар тасвирлангани учун уларга одамлар ишонар, эътиқод қўяр эдилар (Ва, табиийки, уларга танқидий кўз билан қарамас эдилар). Бунинг устига афсона, ривоятларга одамлар ўртасида ўзаро ҳурматли муносабатларни қарор топтирувчи ахлоқий меъёрлар деб қаралган.

Француз олими Жан Поль Вернан мифни бундай таърифлайди: «Миф саволларни ўртага ташламайди, чунки унинг ўзида жавоблар мужассам бўлади. Миф — бу ҳақиқаттан огоҳ этувчи, ҳаяжонли, эҳтиросли ҳикоядир».

Бундан 40 — 50 — минг йил илгари инсон ва оламнинг ўзаро муносабатларини тушунтирувчи дунёқараш сифатида дастлабки мифологик тасаввурлар вужудга келган. Унинг негизида аста — секин диний тасаввур шаклланиб, кейин уч минг йилликда жаҳон динлари шу жумладан якка худолик (монотеизм) динлари вужудга кела бошлади. *Монотеистик диний дунёқарашнинг асосини худонинг яккаю ягоналигига, муқаддас китоблардаги сўзлар илоҳийлигига, пайғамбарларга, фаришталарга, тақдир азалга, қиёмат кунини келиши ва ўлганларнинг яна тирилишига, яъни охирабдаги ҳаётга ишонч ташкил этади. Диний дунёқарашга кўра, Худо оламини яратган энг қудратли, энг раҳмдил ва марҳаматли, ҳар жойда ҳозир — нозир Олий*

кучдир. Инсон, жамият ва бутун коинотнинг ҳаёти, тақдири, осойишталиги ана шу Олий кучга боғлиқдир.

Диний дунёқарашга кўра, имон — эътиқод инсон маънавий оламининг шундай ҳолатики, бунда «олам — одам» муносабатларини маънавий — ахлоқий жиҳатдан энг ибратли тарзда тартибга солиб, охиратда шахсан халос топишининг зарур шартидир. Бинобарин, ҳар қандай динда ахлоқий — маънавий императивлар (йўл — йўриқлар) муайян анъаналарга, ибодат, маросим, расм — русумларга сўзсиз амал қилишни талаб этади. Бундан кўринадики, дин ўзига хос дунёқараш бўлиб, у тарихан инсоннинг олам билан муносабатларини тартибга солувчи, ҳаётининг қувончли онларида ҳам, мураккаб руҳий вазиятларда ҳам маънавий таянч роли (вазифаси)ни бажариб келган.

Бу масалада Президент И.Каримовнинг қуйидаги таъкиди методологик кўрсатма сифатида хизмат қилиши мумкин: «Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига синдириб олган, уларни жамлаштирган, ҳамма учун мажбурий хулқ — атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда»¹

«Олам — одам» муносабатларига диний қарашлар асрлар давомида инсонлар онги ва қалбидан муҳим ўрин олиб, гўеки одамзотга ва жамиятга таалуқли барча муаммолар Худога илтижо йўли билан ҳал бўлади, деган ишонч кенг тарқалди. Ҳатто ҳозирги вақтларда ҳам ўта мутаассиб руҳонийлар диний ибодатлар барча муаммоларни ҳал қилади, деб ишонтиришга ҳаракат қиладилар.

Маърифатли руҳонийлар эса диний ақидаларда ўз ифодасини топган қадриятларни умуминсоний

¹ Каримов И.А «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т. «Ўзбекистон», 1997 й, 35 — бет.

маданият манбалари ҳисоблаб улардан инсон камолоти ва жамият тараққиёти йўлида фойдаланадилар.

Унутмаслик зарурки, дин одамларнинг барча маънавий эътиёжларини қондиришга қодир эмас. Шунинг учун кўпчилик илмий исботланмаган ва диний авторитетлар, ибодатхоналар, черковлар, масжидлар, муқаддас китоблар талаб қилган ҳукмларга кўр — кўрона амал қилавермайдилар.

Ушбу масалада ҳам Президентимиз И.Каримовнинг билдирган қуйидаги фикрлари муҳум назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. «Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга, диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб олган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма — ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган». . . «Жамият ҳаётининг бир қисми бўлган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган»¹

Мифологик ва диний тасаввурлар, дунёқарашлар бир — биридан фарқ қилса ҳам, аслида ҳар иккиси олам ва одам ҳаёти муаммоларини ноилмий, яъни, илмдан ташқари, руҳан кашф этилган билимлар орқали ҳал этиш соҳасига киради. Марксча фалсафада ва шўролар даври илм — фанида «ноилмий» деган сўз салбий маънода ишлатилар эди.

Аслида эса, неча минг йиллар давомида Миср, Бобил, Ҳиндистон, Эрон, Хитой ва Японияда, шу жумладан Марказий Осиёда ҳам олам ва инсон ҳаёти, тақдири, ўтмиши, келажагини билиш учун «ноилмий» илмлардан мувафақиятли фойдаланиб келинган. Аммо кейинчалик одамлар оламнинг ранг — баранглигини ва

¹ Каримов И.А «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т. «Ўзбекистон» 1997, й. 37 — бет.

самовий хилқатлар: Қуёш, ой, сайёраларнинг, умуман Галактикалар ва бор оламларнинг яхлитлигини, табиат ҳамда инсон ҳаётининг сабабий боғланишларини ҳозирги айрим тор мутахассислардан кўра кенгроқ ва яхлитроқ тушунган.

Оламни мифологик ва диний идрок этиш билан бир қаторда табиий фанлар ва фалсафа фани ҳам шакллана борди.

Жамият ва инсон ҳаётининг турли соҳаларидаги зиддиятларни, чигалликларни объектив борлиқ қонунларига мувофиқ тўғри, бехато ҳал этиш зарурати — **Илмий фалсафани** вужудга келтирган бош сабаблардан биридир. Оламни идрок этишга интилиш нуқтаи назардан фалсафа мифология ва дин билан генетик алоқадорликда, аммо булар бир—бирига тенг соҳалар эмас. Фалсафа жамият ва инсон ҳаётига доир турли—хил билимларни ўз ичига олгани учун мумтоз файласуфлар уни «фанларнинг фани» деб аташган.

Фалсафа милоддан аввалги VII—VI асрларда қадимги Ҳиндистонда, Ўрта Осиёда, Хитой ва Юнонистонда турли илмий билимларнинг юзага келиши билан бир қаторда, кишиларнинг ён—атрофини идрок этишга, мавжудлик ва ҳаёт асосини рационал билишга интилишлари натижасида вужудга келган. Худди шу нуқтаи назардан фалсафа диний—мифологик онг ёки дунёқарашдан фарқланган.

Олам ва инсон моҳиятини, инсоннинг оламдаги ўрни ва роли (қандай вазифани бажариши)ни ўрганиш — фалсафанинг асосий муаммоларидан биридир. Тараққиётнинг муайян бир босқичида бу муаммонинг мифологик ва диний талқини инсон ва жамият эътиёжини қондиролмай қолди. Бу эътиёжни қондириш учун одамлар махсус ақлий фаолият, жумладан, фалсафий тафаккур билан шуғулланишга интилдilar.

Аммо, диний—мифологик онг ва фалсафий онг ўзига ҳос хусусиятлари билан фарқланадилар. Дин ва айниқса мифология ён—атрофни, оламни ғайриҳаётий, ғайримантиқий тарзда идрок этишга интилса, асосан,

ҳиссий идрокка таянса, фалсафа — объектив борлиқ қонуниятларига, ақлий, тафаккурий идрокка асосланади. Фалсафа ҳиссий идрокни рад этмайди, бироқ уни ягона тўғри ёндашиш деб билмайди.

Агар миф ва диний онга инсондан ташқаридаги, рационал ўрганиш қийин бўлган тасаввурлар (ассоциатив тафаккур), иймон, анъана ҳукмрон бўлса, фалсафий онг эса объектив тушунчаларга, фикр — мулоҳазаларга ва билимларга таянади.

Мифология ва динда олам ҳамда унинг яратилиши, ранг — баранг кўринишларда талқин қилинади. Масалан, дин оламини Браҳман (ҳинд мифологияси), Иегово (христианлик) ёки Оллоҳ (ислом) яратган, деб таъкидлайди.

Фалсафа эса ушбу саволга объектив борлиқ қонуниятларидан, инсон онги ва ижтимоий тараққиёт манфаатларидан келиб чиқиб жавоб беради, чунки у миф ва дин инсон онги маҳсули деган илмий хулосага таянади. Мифлар тузилишининг асосий ва деярли ягона усули — аналогия, қиёсдир. Фалсафада эса қиёс фикрлаш усуларининг кўринишларидан биридир.

Мифларда, юқорида айтганимиздек, муаммоларни ўртага ташланмайди. Дин эса олам ва одам ҳаётининг жуда кўп муаммоларини охиратдаги мангу ҳаёт нуқтаи назаридан, одамлар қандай фазилатлари билан мангу оламда ажр — мукофот топади, қандай иллатларга берилганда охиратдаги мангу ҳаётда азоб — уқубатларга, жазога тортилади, деган асосий саволларга муқаддас китоблардаги йўл — йўриқлар орқали жавоб беради.

Баъзилар фикрича фалсафа диний онг бағридан ўсиб чиқиб, диндан узоқлашган ва ҳатто уни йўқ қилиш эвазига туғилган. Фалсафа аввало ўз фойдасига, диний онг шаклини йўқотади, бу билан у ўзини янги онг, янги дунёқараш шаклида шакллантиради. Шу фикр тўғрими? Йўқ, албатта!

Фалсафа аслида динни йўқотувчи эмас, балки мифологик ҳамда диний онг ва дунёқарашнинг давомчиси бўлиб, инсоннинг руҳий оламини билиши йўлида

мифологик ва диний онгдан юқорилашиб, оламни назарий жиҳатдан тушунтириш эҳтиёжи сабабли дунёга келган.

Фалсафа — инсон ва оламнинг ўзаро муносабатларини энг юқори назарий савияда тушунтиради ва аввало, қуйидаги энг муҳим масалаларга жавоб беради:

1. Борлиқ ва онг, тафаккур ўртасида қандай боғланишлар бор?


2. Руҳий олам ва моддий олам муносабатлари қандай?

3. Субъектив ва объектив ҳодисаларнинг алоқадорлиги қандай?

4. Билишнинг объекти ва субъекти ўртасида қандай муносабатлар бор?

Мифология бундай саволлар қўймайди. Дин эса бу саволларга шундай жавоб берадики, бундай жавоблар фалсафани қониқтирмайди. Фалсафа бу саволларга янгича мазмун ва шаклда, янгича усуллар, воситалар билан жавоб беради. Олам ва инсон моҳиятини юзаки билиш фалсафани қониқтирмайди. Фалсафа илмий, мантиқий, тушунчалар билан иш кўради. Фалсафада тушунчалар нарса ва ҳодисаларнинг ички тузилишини, уларнинг турли томонлари ўртасидаги муносабатларни бу муносабатларнинг қандай кечишини, моҳиятини кўрсатади. Шу тарзда фалсафадаги тушунчалар нарса ва ҳодисалар ҳақида янги — янги билимларни олиш имконини беради.

Фалсафа билиш усули сифатида динамик характерга эга, яъни у инсон ва ҳаёт билан бирга ўсиб ўзгариб туради. Кишилар ва жамият моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ўзгариши уларнинг ҳаёт тарзини ҳам ўзгартиради. Агар кишиларнинг моддий эҳтиёжлари кенгайиб, маънавий эҳтиёжлари ривожланмай қолса, жамият ҳаёти маънавий инқирозга юз тутади. Тараққиёт жараёнида «Олам нима? Табиат нима? Жамият нима? Инсон ким? Билим нима? Инсон ҳаётининг маъноси нима?» деган асосий муаммоларни англаш ва ҳал этишнинг усуллари тебора мураккаб бўлиб боради. Ушбу мураккаб ва қийин саволлар фалсафа



ривожининг барча босқичларида ўртага қўйилган, ҳар бир тараққиёт босқичида ҳар бир жамият уларни ўзича ҳал этган. Юқоридаги саволларнинг ҳал этилишига қараб, жамият ҳаёти ё фаровонликка, ёки тушкунликка юз тутган, аммо динда бу азалий саволларга жавоблар доимо бир хилдир, ўзгармасдир.

Бу фикрлардан фалсафий билимлар бошқа фанлар берадиган билимлардан кўпроқ ёки мукамалроқ деган хулоса келиб чиқмайди. Махсус фанлар берадиган билимлар ўша фанларнинг мутахассисларига керак, бу шубҳасиз, бироқ фанлар барча фанларнинг вакилларига, ҳатто ҳунарманд, боғбон, деҳқон, хуллас, барча инсонларга ҳаёт маъносини англаш, муқаддас билан ўткинчи, эзгулик билан ёвузлик, тараққиёт билан қолоқлик ҳақида аниқ билимларга эга бўлиш учун ҳам зарурдир.

II. ФАЛСАФАНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Фалсафа қандай фан? Бу саволга бериладиган жавобдан фалсафий билимларнинг хусусияти ва аҳамиятини, бошқалар учун қанчалик зарур эканлигини тушуниб оламиз.

Бошқа фанлар табиат ва инсон фаолиятининг муайян бир соҳаларини ўргатса, фалсафа фани умуман «олам — одам» муносабатлари тўғрисида изчил таълимот яратади. Арасту фикрича «фалсафа мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини, улар аслида қандай эканлигини ўргатади. Бу фан бошқа хусусий фанларнинг бирортасига ўхшамайди, чунки бошқа бирорта фан мавжудликнинг умумий табиатини, не учун мавжудлигини ўргатмайди. Бошқа барча фанлар мавжудликнинг бирор қисмини ажратиб олиб, фақат ўша қисмнинг хоссаларини ўрганади»¹.

¹ Аристотель. Соч. в 4-х томах. М., 1975, 1-том. 119-б.

«Шарқ Арастуси» ёки «Устози Соний» («Иккинчи муаллим») номи билан шуҳрат қозонган Абу Наср Форобий фалсафа ҳақида лўнда қилиб, бундай дейди: «Фалсафанинг таърифи ва моҳияти шундаки, у мавжудликнинг ўзи нималигини билдирувчи фандир»².

Демак, фалсафа — борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим ва энг умумий хусусиятларини, оламнинг умумий асосларини, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва муносабатларини ўргатувчи фан ҳисобланади.

Хусусий фанлар, жумладан физика, астрономия, космология оламнинг тузилишини, хусусиятларини тадқиқ этади, аммо уларнинг инсон билан муносабатларини ўрганмайди, Масалан, тиббиёт инсон танасини, аъзоларини, уларнинг фаолияти, касалланиш сабабларини ва беморни даволаш йўларини ўрганади, фалсафа эса, инсоннинг оламдаги ўрни, мавқеини, инсонликнинг ўзи нима эканлигини, олам ва инсон мавжудлигининг маъносини ўрганади. Инсон фалсафа фани ёрдамида оламдаги ўз ўрни, мақоми, вазифаларини, инсонлик бурчларини, яшашнинг маъноси нимада эканлигини англаб олади.

Бошқача айтганда, фалсафа фани олам ва инсон муносабатларини яхлит ҳолда, биргаликда олиб ўрганади. Яъни, у олам ва одам ҳақидаги қарашлар, нуқтаи назарлар, умуман яхлит дунёқараш тизимидир.

Шарқ фалсафий тафаккури алломаларидан бири Абдуҳамид ал-Ғаззолий (XII аср) «Кимёи саодат» асарига олам ва инсон муносабатлари ҳақида бундай дейди: «Вақтики ўзининг (кимлигингни, қандай инсонлигингни) танимасанг, ўзгани нечук танигайсан? Ҳамоно айтурсенки: ўзимни танирмен, деб, ғалат (яъни, хато) қилурсенки, бу наво (равишда) танимоқлик ҳақ субҳоноҳу ва таолони танимоққа сабаб бўлмас, чаҳорполар (тўрт оёқлилар, ҳайвонлар) ҳам ўзларини бу наво (шу хилда) танурлар.

² Фараби. Философские трактаты. Алма – ата, 1970. 41 – б.

Эй инсон! Зоҳирингни (ташқи қиёфангни) танимоқда бош, юз, қўл ва пут (оёқ) ва гўштдин ўзгани танимассен. Ботининг (ички дунёинг, руҳий оламинг) аҳволидан билурсенким, вақтики, оч бўлсанг нон (ёки бошқа таъом) ерсан. Ва ташна бўлсанг, сув ичарсан, Вақтики ғазабинг келса, бир кишига иззо берурсан. Ва шаҳват ғолиб келса, хотин олурсан. Ва ҳамма чаҳорпо — ҳайвонлар бу ишларда сен бирла баробардур.

Бас, эй инсон, сенга лозимдирки, ҳақиқатингни талаб қилгайсен, ўз аслинг не нимарсадур ва не ердан келибсен ва не ерга боргунгдир? Бу олам манзилгоҳига нима ишга келибсан? Ва сени нима учун офарида қилибдур? (Инсон қилиб яратибдур?) Саодатинг не ишдадур?»¹. Ўрта аср Уйғониш давридаги Шарқ файласуфлари инсоннинг оламдаги ўрни ҳақида фикр юритиб шу каби саволларга жавоб қидирган эдилар.

Фалсафий билимлар — оламни сезиш ва идрок этиш (масалан, бадий идрок этиш) шаклларига нисбатан юқори мақомдаги билимлардандир. Чунончи, оламни билиш ва тушуниш каби, «олам — одам» муносабатлари фалсафий дунёқарашда эса ўзига хос равишда ҳал этилади.

Бошқача айтсак, фалсафа фани олам ва одам ўзаро алоқадорликда, якка ҳолда ва умумбашарият ҳолида тушунишга интилиши туфайли шакланган. Хуллас, фалсафа фани инсон ва олам муносабатларини ақлий, назарий ва мантиқий асосларда, далиллар, тамойиллар, ўй — мушоҳадали қарашлар асосида ўрганеди ва одамга ҳаёт маъносини тўғри идрок этишга имкон туғдиради. Фалсафий қарашларни ҳар доим ҳам кенг тарқалган фикрларга мос келиши ёки унга зид келиши шарт эмас.

Ақл — идрок ва бир лаҳзали амалий ҳаракатни кўзловчи соғлом фикр мавжуд бўлган ҳаёт муаммосини пайқамай қолиши ҳам мумкин. Фалсафий

¹ Ҳаззолий. «Кимёи саодат», Т. «Камалак» нашриёти, 6 — бет.

тафаккур албатта ана шу муаммони аниқлайди ва уни ҳал этиш йўлини излайди. Тўғри, фалсафий тафаккур амалий ҳаракатнинг ўрнини босмайди. Аммо, у муайян амалий ҳаракат заруратини, мақсадини юзага чиқаришнинг энг самарали, унумли йўларини топиб бера олади.

Биринчидан, «Олам — одам» муносабатлари тизими кўп қиррали ва ранг — баранг муаммоларни ўз ичига олади. Объективлик ва субъективлик, моддийлик ва маънавийлик, борлиқ ва тафаккур, жисм ва руҳ, маънавият ва руҳият, улар ўртасидаги диалектик алоқадорлик ҳам фалсафий тадқиқот соҳаларига киради.

Иккинчидан, «Олам ва одам» муносабатлари тизими меҳнат ва буюм, маърифий, методологик, маънавий — ахлоқий, бадий — эстетик муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Учинчидан, фалсафа фани олам ва инсон моҳиятини барча ранг — баранглиги, ўзаро алоқалари ва муносабатлари билан тўлароқ тушунишга ёрдам беради.

Демак, фалсафа фан сифатида «олам ва одам» тизими ривожига асос бўлувчи энг умумий қонуниятларни тадқиқ этади.

Тўртинчидан, фалсафа маънавий оламни ўзгартириш сифатида назарий билимларнинг тарихан биринчи илмий шаклидир. Фалсафа одамларнинг амалий фаолиятини ва илм — фан маълумотларини назарий умумлаштириб, янги сифатдаги умумий қонуниятларини ишлаб чиқади.

Хусусан, илмий билимларнинг барчаси фалсафа фани хусусиятларини тушунишга ёрдам беради. Экология ва синергетика каби умумий илмий фанлар фалсафага яқин туради ва унинг ривожига таъсир кўрсатади. Аммо, шуниси ҳам борки, бу фанларнинг ўзи фалсафанинг ҳозирги фанларни умумлаштиришидан келиб чиққан. Илмий назариялар ҳар қандай йирик (фундаментал) ва умумлашган бўлса, у шунчалик катта муаммоларни ҳал этиши мумкин. Фалсафий қарашлар эса ана шу муаммоларни

умумбашарий манфаатлар нуқтаи назаридан ҳал этиш йўллари кўрсатади.

Фалсафанинг асосий хусусияти — оламни ва одамни алоҳида ўрганиш эмас, балки бу олам ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг энг муҳим қонуниятларини ўрганишдир. Фалсафанинг ўзига хослиги ва жамиятдаги ўрни ҳам шундадир.

Фалсафа фани олам ва инсон ўртасидаги ранг — баранг, ўзаро алоқалар ва муносабатлар, ўзаро фаолиятларни ўрганиш асосида мазмунан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- табиат ва жамият ўзаро муносабатларининг умуминсоният тажрибаларига таяниб тадқиқ этади, ўрганади;

- борлиқ ва олам ҳақидаги билимлар хазинасидан келиб чиқиб, одам оламни қандай билишини, воқеликка муносабатини, оламда ўз ўрнини, вазифасини қандай тушуниш кераклигини, ҳаёт маъноси ва мақсад — муддаосини илмий англашни тушунтиради;

- оламни ҳиссий билиш йўли билан эришиб бўлмайдиган тамойиллар, қонунлар, категориялар — муҳим тушунчаларнинг маънолари ва моҳиятини англаб олишга имкон туғдиради. Ва шу туфайли фалсафа тили илмий назарий, умумлашма таснифида бўлади.

- «Олам — одам» умумий формуласи асосида фалсафа фани барча фанларга даҳлдор илмий муаммолар ечимини тўғри топишга ёрдам беради;

- фалсафа замонавий фанларнинг ютуқларига суянади, назарий тафаккур ва маданият категориялари, муҳим тушунчаларини аниқлайди, оламнинг илмий манзарасини акс эттиради;

- фалсафа фани жамият ҳаётидаги мангу муаммоларни ва янги туғилган муаммоларни қандай ҳал этиш йўллари кўрсатади ва тушунтиради.

Фалсафа фани айни вақтда табиий ва ижтимоий — гуманитар билимлар системали ёндашув малакасини ҳосил этади, уларни ялпи умумий илмий тамойиллар,

қонунлар, категориялар тушунчалар билан қуроллантирилади. Шу нуқтаи назардан фалсафа илмий кашфиётлар, тараққиёт қонунлари системасидир ва унинг ўзи ҳам доимо ривожланиб борувчи фандир. У бошқа фанларнинг ютуқларини умумлаштиради ва ҳамда воқеълик, олам ва инсон муносабатларининг қонуниятлари ҳақидаги назарияларни ишлаб чиқади.

Фалсафа фани ўз илмий билиш услубларига эга. Чунончи, файласуфлар оламини билишнинг диалектик, метофизик, синергетик услубларидан фойдаланиб тадқиқот олиб боради. Шунингдек, у илмий билишнинг индукция ва дедукция, тарихий ва мантиқийлик, тизимлилик, анализ ва синтез, моделлаштириш, мавҳумликдан конкретликка ўтиш, гипотетик — аксиоматик, ҳамда интрепретация ва талқин каби услублардан фойдаланади.

Фалсафа фани талқин — интерпретация — каби методларга асосланади. Бу, назарий ва илмий ҳақиқат мезонларига қараб баҳоланадиган оламини билиш усулидир. Ушбу ҳолатни назарда тутиш шунинг учун ҳам зарурки, у фалсафий билим асосларидан биридир.

Фалсафа фанининг мавҳум қоидалари (улар ҳис қилиб бўлмайдиган даражада бўлгани учун фақатгина ҳаёлий тасаввур қилиш мумкин), илмий ҳақиқат, фалсафий мулоҳазани амалий тажриба билан узлуксиз солиштириш йўли билан текширишга йўл беради. Шунинг учун тарихий амалиёт ривожланишида фалсафий фикрлашнинг асосий тенденцияларининг бир — бирига тўғри келиши ёки келмаслиги фалсафий билим ҳақиқийлигининг асосий меъзони бўлиб қолади.

Илмий фалсафанинг (бу ерда фақат дастлабки тасаввурлар берилган) мазмуни фалсафа фанининг «олам ва одам» тизимидан келиб чиқади. Унинг моҳияти, таркиби ва вазифалари фалсафанинг ушбу ўзига хос хусусияти билан белгиланган. Ёки, бошқача қилиб айтганда, илмий фалсафанинг мазмуни унинг моҳияти ва тузилишида, унинг ўзига хос функцияларида намоён бўлади.

Илмий фалсафанинг моҳияти нимадан иборат? Бу саволга Форобийнинг ушбу шарҳларини келтириш ўринлидир. У ёзади: «Фалсафанинг моҳияти мавжудликни қандай бўлса шундайлигича қабул қилишдан иборатдир». Яъни, фалсафа фани борлиқнинг табиати, унинг энг теран ва энг умумий асослари ҳақидаги илмдир. Фалсафада олам моҳиятини ўрганиш, инсон ва унинг билимлари, амалий ҳаракатлари, ҳаётдаги мақсадлари ва ўрни ҳақида гап боради. Буларнинг барчасини фалсафа энг умумий тушунчалари, принциплар (тамойиллар) ва қонунлар тарзида англатади. Шундай қилиб, фалсафий билимлар борлиқни англаш ва тушунтиришга қаратилган. Шунингдек, фалсафа борлиқ муаммоларининг илмий ечими ва қай тарзда ўртага қўйилишини, жамият ва табиат оламини, инсонларнинг ахлоқий – маънавий ва эстетик муносабатларини ўрганувчи илмдир.

Айни чоғда фалсафа фан, дин ва маънавий маданиятнинг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Фалсафа билимларнинг афсонавий, диний ёки кундалик ҳаётдаги онг билан қиёслаганда, у юқори дунёқараш асоси сифатида кўринади ва исбот, далиллар, мантиқий тафаккур билан иш кўради.

Ҳаёлдаги кўринишга ишонмаслик, ҳис қилиб кўришнинг аниқлигини ёки аниқ эмаслигини билиш ҳам бу борада «бирламчи сабаблар»ни ўрганиб чиқиш – фалсафа фанига хосдир. Ўрганилаётган ҳолатдаги ҳис – туйғулар аниқ эмасу, лекин ҳақиқатга яқинроқ бўлиб, иккиланишга олиб келмаган тақдирда ҳам файласуф ўз изланишларини давом эттираверади. Нима учун шундай? Чунки, у мавжуд ҳолатнинг моҳиятини аниқлаб берувчи йўл, кўрсатмалар (илмлар)га интилади. Бу эса фақатгина далиллаш, исботлаш, асослаш ва аниқлаш орқали амалга оширилади. Буларсиз фалсафий фикр юритиш, фалсафий билим ва илм олиш мумкин эмас.

Лекин ўзимиздаги ўхшаш тафаккур, онгдаги ўй ва фикр юритишимиздаги иккиланишлар ҳам фалсафага хос белгилардандир. Бошқача қилиб айтганда, фалсафа

фани ўз ўй, хаёлларимиз, услублар ва хулосаларимизни ҳам ўз ичига олади.

Физика, химия ва бошқа хусусий фанлар сингари фалсафа ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, кўпинча ўз ўрнининг ҳаққонийлигини ҳар сафар янада ишончлироқ кўрсатмалар орқали, узлуксиз кузатувлар, тажриба ва синовлар ёрдамида исботлаб беравермайди. Шунинг учун бу йўналиш уни ўрганаётган файласуфлар орасида анча келишмовчиликларга сабаб бўлади.

Муаммоларнинг кўпайиши фалсафанинг турли-хил йўналишлари ўртасида қизгин бахсларга сабаб бўлади. Бу аслида фалсафанинг ривожланишига таъсир этади, уни янги йўналишлари шаклланишига олиб келади.

Булардан қандай хулоса қилиш мумкин?

Биринчидан, инсониятнинг ўзида жам бўлган билимлар, тасаввурлар, дунёқарашларга ўзича талқин бериб ва сингдириб олган ҳолда фалсафа муайян дунёқараш сифатида юзага чиқади. Яъни, фалсафа оламнинг яхлитлигини, унда инсониятнинг ўрнини, одамзоднинг табиат ва жамият оламига таъсирини, одамларнинг бир — бирларига ва инсоннинг ўз — ўзига муносабатини ўрганувчи илм соҳаси сифатида намоён бўлади. Буюк олмон файласуфи Гегель айтганидек, фалсафа фикр шаклидаги замондир. Фалсафа маънавий ва моддий оламни англашда мифологик ва диний билишга нисбатан юқорироқ даражадаги босқичдир.

Иккинчидан, ўз билимлари, қоидалари, муаммолари, услублари ва хулосалари устида рефлексияси, яъни фикр, мушоҳада юритиши фалсафанинг яшаши ва ривожланиш шартларидан биридир.

Учинчидан, фалсафанинг мазмунига олам ва инсон муносабатлари ва ўзаро фаолиятларини назарий умумлаштирувчи система сифатида қараш унинг ички таркибини аниқлашга имкон беради.

Фалсафа — ўзаро чамбарчас боғлиқ ва бир бутунликни ташкил этувчи қуйидаги (структура) таркибий қисмлардан иборат:

Онтология — борлиқ, ҳаёт ҳақидаги қарашларни ўрганади.

Гносеология — оламни ўрганиш ва амалий фаолиятининг турли услубларини ўрганиш — билиш назарияси.

Аксиология. — маънавий ва моддий қадриятларни ўрганади.

Социал — яъни, ижтимоий ҳаёт тўғрисида фалсафий билим беради.

Этика — ахлоқшунослик

Эстетика — нафосатшунослик.

Мантиқ — воқеалар ва ҳодисаларни моҳиятини аниқроқ, чуқурроқ ва кенгроқ ўрганади.

Дин фалсафаси, фалсафа тарихи, хусусий (айрим) фанларнинг фалсафий муаммолари ҳақида фикр юритади.

Илмий фалсафа борлиқнинг энг умумий, универсал қонунлари, категориялари, тушунчаларини, унинг таркибий қисмларининг яхлитлигини, системалигини таъминлайди.

Гап шундаки, фалсафанинг универсаллиги унинг субстанционализи (яъни, нарса, ҳодисаларнинг асослари, моҳиятини ўрганиш)дан келиб чиқади. Субстанция — нарса, ҳодисаларнинг асосида ётган жавҳардир. Ана шу асос — жавҳар беқарор нарса — ҳодисаларнинг барқарор, мустақил мавжуд негизидир. Бошқача айтганда, субстанциявийлик — борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосини, негизини, моҳиятини тушунишдир.

Универсаллик ва субстанциявийлик — фалсафий билим, тафаккур. мушоҳада, билиш жараёнининг муҳим хусусиятларидир. Аммо, фалсафанинг бу хусусиятлари билиш жараёнидаги гумон ва шубҳалар, ишонмай текшириб кўришни ҳам инкор этмайди. Хусусан, фалсафий билиш жараёни аввалдан мавжуд қараш, ёндашувлар, анъаналар, хулосалар, тадқиқот методларини қайта кўриб чиқиб, янгиллаши ҳам мумкин.

Фалсафанинг бизга боғлиқ бўлмаган — объектив ва реал мавжуд мазмуни унинг муайян функцияларида кўринади.

Булар қуйидаги функциялардир:

1) дунёқараш; 2) методологик; 3) аксиологик; 4) гнесеологик; 5) онтологик; 6) праксиологик; 7) гуманистик; 8) маърифий; 9) коммуникатив — боғловчилик; 10) танқидий; 11) интегратив; 12) прогностик—башорат қилиш ва ҳақозо.

Фалсафа фанининг бу функциялари фалсафий билимларнинг фаоллигини, ошкоралигини, ривожланишини таъминлайди. Улар туфайли фалсафий билимлардан «Олам—одам» муносабатларидаги энг умумий масалалар ва муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш мумкин. Бу функцияларга кўра, илмий фалсафа—инсон ва оламнинг ўзаро муносабатларини, билишнинг методлари, усуллари, категориялари, қонунлари, тамойилларини ўргатувчи билимлар системаси тарзида намоён бўлади.

Демак, фалсафа фанини ўрганиш унинг функцияларини, бажарадиган вазифаларини билиш ва илмий тадқиқотларда кундалик ҳаётий муаммоларни ҳал этишда улардан фойдаланишга ёрдам беради.

Илмий фалсафа нима учун дунёқараш масаласини биринчи ўринга қўяди? Чунки, дунёқараш инсонларнинг оламга ва ўзига қандай муносабатда бўлишини белгилаб беради.

Фалсафанинг дунёқарашлик функцияси «Олам—одам» муносабатларини тартибга солиди, инсоннинг «Олам, борлиқ нима?», «Бошқа мавжудотлардан одамнинг фарқи нимада?», «Инсоннинг оламдаги ўрни қандай?», «Инсон табиатга, жамиятга, бошқа одамлар ва ниҳоят ўзига қандай муносабатда бўлиши зарур?» каби саволларга жавоб берувчи ҳаётий қарашларини шакллантиради.

Фалсафий дунёқараш моддий олам ва маънавий олам, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларда мувозанат, коэволюция зарурат эканини англашга ва бу ҳолатни тўғри тушунишга ёрдам беради.

Фалсафий дунёқараш инсонга оламнинг яхлит манзарасини кўрсатади, ҳаётий фаолиятининг мақсади, мазмуни, йўналишини аниқлаб беради, яъни бу дунёқараш инсоннинг олам билан амалий муносабатларини йўлга солади. Инсон, жамият, бутун ер юзиде оқилона фаолиятлар, оқилона ижтимоий муносабатлар бўлишини тушунтириб беради.

Инсон ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб, ўтмишга, ҳозирги жаҳон тараққиётига мос ҳуқуқий давлат, ва фуқаролик жамияти шаклланиши зарурлигини тушунтиради.

Одамлар психологияси — руҳиятини, онгини, дунёқарашини ва амалий фаолиятини, жамиятни инсонпарварлик руҳида ўзгартиришга хизмат қилувчи ғоялар, тасаввурлар, қарашлар асосида янги тафаккурни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Фалсафа ва маданият тарихи шуни кўрсатадики, қайси жамиятда фалсафий дунёқараш кенг ва чуқур бўлса, ўша ерда тараққиёт учун зарур бўлган ижодий салоҳият кенгроқ ўзини намоён этади. Бу ҳақда XVII аср инглиз файласуфи Т.Гоббс қуйидаги асосли фикрни айтади: «Шу нарса равшанки, биз фалсафанинг, айниқса, табиат фалсафаси ва геометриясининг фойдаси нақадар салоҳиятли эканлигини, унинг инсоният фаровонлигига қандай таъсир қилишини тасаввур қилсак, ва ундан фойдаланаётган халқлар ҳаёт тарзини, ундан маҳрум бўлган халқлар ҳаёт тарзи билан солиштирсакки яхши тушунамиз. «Ахир биринчиси иккинчисига нисбатан қобилиятлироқ — ми? Ахир ҳар бир одам ҳам бир хил маънавий табиатга ва бир хил маънавий қобилиятга эга эмасми? Бир гуруҳ халқлар бошқа гуруҳ халқлар эга бўлмаган қайси нарсага эга бўлиши мумкин? Ахир фақат фалсафага — ку!» Шундай экан, фалсафа ушбу ҳамма фойдаларнинг сабабчиси дир.»¹

¹ Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. Т., Шарҳ. 2002. Б — 17.

Бундай салоҳият эса муайян тарихий, ижтимоий, маданий шароитларда вужудга келади. Шунинг ҳам айтиш керакки, бизнинг замонамизда ва юртимизда илғор фалсафий дунёқарашлар учун қулай шарт — шароитлар бор. Буюк юртдошимиз, мутафаккир Абу Райҳон Беруний «Фақат ўз еримиз, фақат ўз одамларимиз, фақат ўз подшоҳларимиз, фақат ўз динимиз ва фақат ўз илмимиз яхши, бошқаларники ёмон» деб фикрловчиларни танқид қилган эди. Демак, Беруний «Олам ва одам» муносабатларига доир энг муҳим муаммоларга илғор фалсафий дунёқараш нуқтаи назаридан ёндашган.

Фалсафий дунёқараш инсондаги жамики ҳодисалар ва унинг турли уюшмалари, жамоалари (давлат партиялари, ижтимоий ҳаракатлари ва ҳокозолари)га асосланиб жамият йўналишини белгилашга ёрдам беради.

Фалсафанинг дунёқарашлик функцияси унинг методологик, онтологик, гносеологик, аксиологик ва бошқа функциялари билан узвий боғлангандир. Бу боғланишлар фалсафанинг айниқса, билиш жараёнига доир гносеологик функциясида яққол кўринади. Қадимги мутафаккирлар уни фалсафанинг «энг биринчи асос ва сабабларни билиш» деб атаганлар. Фалсафанинг бу асосий соҳаси барча илм — фанлар билан шуғулланувчи олимлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Фалсафа фанининг мазмуни «Олам — одам» муносабатлари системасига маърифий, илмий ёндашувга ва илмий умумий мезонларга мувофиқ келади.

Бунинг маъноси шуки, фалсафанинг дунёқарашликка доир функцияси унинг гносеологик функцияси билан узвийдир. Фалсафанинг гносеологик функцияси инсоннинг билимларга интилиши билан боғлиқдир.

Инсон олам ва ўзи ҳақида қуйидаги билимларни тушунишга интилади:

- Олам ва инсоннинг бир бутунлиги, яхлитлиги ва ранг — баранглигининг ўзаро алоқадорлиги, ўзаро муносабатлари, объектив, ўзича мавжуд ва субъектив (шахсий қарашлар), моддий ва идеал — орзудаги ҳодисалар, борлиқ ва тафаккур — фикрлар ривожланишининг энг умумий принциплари — тамойиллари, қонуниятлари, категорияларини тушунишга;

- ана шу энг умумий қонуниятлар, тамойиллар ва категориялар асосида оламнинг яхлит манзарасини кўришга;

- ижтимоий — тарихий тараққиёт қонунларининг энг умумий принциплари, қонун ва категориялари шаклида ўз ифодасини топган алоқадорликларни;

- билиш назариясини, борлиқ ва одамларнинг амалий фаолиятини яхлит, бир бутун ҳолда англаб олишга ҳаракат қилади.

Фалсафа «Олам—одам» тизимидаги ҳодиса ва жараёнларнинг умумий, универсал алоқадорлиги ва ривожланиш қонунларини аниқлашда унинг онтологик функцияси ҳам ёрдамга келади (онтология — грекча, борлиқ ҳақидаги фан).

Фалсафанинг онтология функцияси оламнинг субстанциявий (жавҳарий) бирлигини, борлиқнинг объектив (ўз — ўзидан) мавжудлигини, ривожланиш, жумладан, ижтимоий — тарихий ривожланишнинг асосий субстанциявий қонунларини, яъни фалсафадаги «Олам—одам» тизимининг мавжудлик қисмини тушунтиради.

Фалсафанинг методологик (услубий) функцияси инсоннинг оламини ўзлаштириш ва ўзгартиришидан иборат тарихий жараёнларнинг умумий қонуниятларини тушунча ва категориялар ёрдамида табиат, жамият ва инсон борлиги, мавжудлигини унинг методологик функцияси белгилайди.

Методологик функция қуйидаги масалалар ва муаммоларни ўртага қўйиш ва ҳал этишда изоҳланади:

- фалсафа билан маънавий оламни ўзлаштиришнинг бошқа шакллари ўртасидаги муносабат масаласини ўрганиш;

- оламни ўзлаштиришнинг фалсафий услубларининг ўзига хос хусусиятларини ва улардан умумий фойдаланиш йўллари аниқлаш;

- илмий тадқиқотларнинг хусусий услублари билан фалсафанинг умумий услублари ўртасидаги ҳамкорликни аниқлаш;

- амалий ишларнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш ҳақида зарур билимлар бериш.

Фалсафанинг методологик функцияси қуйидаги муносабатларни таҳлил этишда кўринади:

- билим ва ҳаётнинг ўзаро муносабатлари, билиш жараёнида субъект (инсон) ва объект (нарса, ҳодиса) ўртасидаги муносабатларни ўрганишда;

- инсоннинг оламга маърифий ва амалий муносабатлари тизимида муайян билим турларининг воситалари, тамойиллари, тадқиқот усуллари ва услубларининг ўрни ва роли (вазифаси)ни аниқлашда;

Фалсафа фанинг бошқа фанларга нисбатан методологик функцияси қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) фалсафа фанининг методологик функцияси оламнинг субстанциявий (жавҳарий) ягоналиги, оламни билиш мумкинлиги, барча қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ривожланишда эканлиги, зиддиятлик ҳолати, олам ҳодисаларининг объектив (ўзича) мавжудлиги, унга ворислик хослиги каби назарий қоидалар ва тамойиллардан бошқа фанлар тадқиқотчилари учун ҳам ўз муаммоларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлигида;

- 2) оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг яққалиги ва алоҳидалигини фалсафанинг умумий тамойиллари билан қиёслашда, (чунки бундай қиёслашда инсониятнинг тарихий тажрибаси, маърифий ва амалий тажрибаси жамланган).

3) инсоният тарихий, маърифий ва амалиёт тажрибасидан илмий — фалсафий башоратларнинг назарий асоси сифатида фойдаланиш, истиқболдаги аналогиялар ўхшаш ҳодисалар ва экстраполяцияларни олдиндан билишда, (чунки буларсиз илмий тадқиқотлар мукамал бўлмайди).

4) фалсафий тамойилларининг асосли, бинобарин, эвристик (яъни, кашф этувчи) эканлиги туфайли бу тамойилларни (нарсалар, ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги), ўзаро муносабати, хусусий фанлар билан биргалиги (бирга иш кўриши) бу тамойилларнинг самарадорлигини оширади; илмий ва маънавий, гуманитар билимларни эгаллашдаги муваффақиятларни фалсафий мушоҳада қилиб, умумлаштиради. Фалсафа фанининг хусусий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги турли фанларнинг ютуқларини; бу ютуқлар асосидаги янги ёндашувлар, истиқболли илмий йўналишларнинг майллари — асосий янгиликларидан фалсафий методология асосида унумли фойдаланишида кўринади.

Турли фанлар боши берк кўчага кириб, инқирозга учраётганида улардаги қарор топган система янги ҳодисаларга, воқеликка мос келмай улар ўртасида зиддиятлар туғилганида, фалсафа фанининг методологик функцияси бу зиддиятларни бартараф этиш, уларни таназзулдан халос қилиш имкониятини туғдиради. Бу вазиятда фалсафий асосларга ва илмий шарт — шароитларга таяниб иш тутилади. Масалан, элементар зарралар умумий назариясини, биологик эволюциянинг умумий назариясини, системалар умумий назариясини кўришда, замоннинг глобал муаммоларини, жумладан, экологик муаммоларни ҳал этишда ва ҳақозо кашфиёт ва башоратларда фалсафий методологиянинг ёрдами каттадир. Ҳозирги замонда кашф этилган синергетика ва коэволюцион назариялари ҳам фалсафанинг методологик функцияси учун муҳим таянч ва йиттифоқчи бўла олади.

Фалсафа фанининг методологик функцияси назарий билимларнинг формал — расмий жиҳатларига хос бўлиб қолмай, улар мазмунини таҳлил этишда ҳам яққол кўринади. Назарий билимларнинг мазмуни тушунчалар ва категориялар билан иш кўришда акс этади. Муаммоларни тушунишдаги фалсафий босқич — илмий хулосаларни объектив воқеликка муносабатини очибгина қолмай, у воқеликнинг ўзига ҳам фаол таъсир кўрсатади (Масалан, онтологик — мавжуд борлиқ муаммоларини ўртага қўйиш ва ҳал этиш). Бундан ташқари, у фақат аниқ фанлар билан чегараланмай, ахлоқий, бадий — эстетик, маънавий, экологик билимларга ҳам таъсир кўрсатади.

Аммо фалсафа фани барча хусусий ҳамда ижтимоий — гуманитар фанларга методологик асос бўлган ҳолда уларнинг ўзига хос илмий — ижодий йўналишига аралashiш, қайси йўналишлар яшашга ҳақли, қайсилари ҳақли эмас, деб ҳукм чиқармайди. Зеро, бундай аралashiш волюнтаризмга, ўзбошимчаликка олиб келади. «Фалсафа — фанлар фани ёки фанлар онаси» тамойилининг ғайриилмийлиги шундаки, бундай ёндошув унинг фанлар устидан ҳукм юритиши — фалсафанинг ҳукмрон мафкурага айланишига олиб келиб, уни илмийликдан узоқлаштиради, нафақат фан ва маданият равнақи йўлига тўсиқ бўлади, шу билан бирга фалсафа фанининг ривожига ҳам зарар келтиради. Фалсафий қойдалардан қандайдир эмпирик мазмун чиқариб, у ёки бу илмий муаммони аниқ ҳал этиш ўрнига, фалсафий хулоса билан чекланиб қолиш ҳам зарарлидир. Қадим замонларда ва Ўрта асрларда фан тарихида «фалсафа барча фанларнинг онаси» деб қаралган. Аммо, бу фалсафанинг бошқа фанлар билан алоқаларининг мустаҳкамланиб боришига, шу тарзда уларнинг ҳаёт, воқелик, тараққиётга ҳаётбахш таъсирини таъминлашга ҳалақит бермаган.

Фалсафанинг аксиологик функцияси дунёқараш, методологик, гносеологик (билиш), онтологик

(борлиқ) функциялар билан биргаликда амал қилади. Фалсафий фикр уч минг йилдан олдин пайдо бўлиб (у зардуштийликдан бошланади) инсон руҳий эҳтиёжлари орасида буюк маънавий қадрият сифатида яшаб келаётгани, унинг бебаҳо қадрият эканлигини кўрсатади.

Инсон моддий (таом, кийим — кечак, уй — жой ва ҳақозо) эҳтиёжларининг вужудга келиши, қондирилиши ва ривожланиши аслида унинг маънавий эҳтиёжлари билан чамбарчас боғланиб кетади.

Ибтидоий одамларнинг кундалик ҳаётида диний, мифологик онг, дунёқараш ва тасаввурларнинг пайдо бўлиши уларнинг маънавий эҳтиёжларидан далолат беради. Буни инкор этган марксча — ленинча фалсафа аксиология — қадриятлар назариясига ҳам салбий муносабат билдириб, маънавий қадриятлар ҳақидаги фалсафий таълимотларни ўз методологияси ва мафкурасига ёт унсур сифатида менсимай қараган эди.

Фалсафанинг аксиологик (қадриятларга доир) функцияси қуйидагиларда кўринади:

- фалсафа фанинг бу соҳаси (аксиология) инсон ва жамиятнинг моддий эҳтиёжлари, манфаатлари ва маънавий эҳтиёжлари орасидаги объектив боғланишларни аниқлаб, маънавий қадриятлар ва эҳтиёжларни ўзига хос кўриниши сифатида таърифлайди;

- фалсафанинг аксиологик функцияси қадриятларнинг тарихий тараққиёт босқичларидаги шарт — шароитлардан келиб чиқишини, қадриятлар турли даврларда ўзгариб туришини, қадриятлар таркибида универсал, умуминсоний, айрим миллатлар ва маданиятларга хос, яъни миллий, минтақавий ва умуминсоний қадриятлар борлигини аниқлайди. Қадриятларнинг турли — хиллиги, қадриятларнинг ранг — баранглиги, уларнинг субъектлари ўртасида низолар ва айрилишларга сабаб бўлолмаслигини тушунтириб беради;

◦ қадриятлар ранг – баранглиги мавжудликни асослайди ва инсон манфаатлари, бахт – саодати учун, табиат, жамият тараққиёти учун қайси қадриятларнинг муҳимлиги даражаларини белгилайди;

◦ инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва шахс эркинлигини ҳозирги жаҳон тараққиёти жиҳатидан устивор қадриятлар эканлигини белгилайди;

◦ маданий, маърифий ва диний мерос бўлган қадриятларни эгаллашнинг зарурлигини асослайди;

◦ жамият ривожланишида инсон, маданият жаҳон тараққиётига таъсир кўрсатаётган янги қадриятларни яратиш зарурлигини кўрсатади.

Фалсафанинг маданий – тарбиявий функцияси ҳам аксиологик ва бошқа функциялар билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг вазифаси – ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги мақсади ва ижтимоий ўрнини топишга гуманистик қадриятлар ва идеалларнинг шаклланишига таъсир кўрсатишдир. Доим муҳим бўлиб келган бу функция маълум бир мамлакат ва бутун бир давр тарихининг ўтиш, кескин бурилиш вақтларида янада катта аҳамият касб этади. Чунки ана шу даврлар тарихий ва ҳаётий қадриятларга ўзгача маъно киритишини, рўй бераётган ўзгаришларда инсон ўрнини белгиланишини, маданий ва ҳаётий қадриятларнинг қайта баҳоланишини талаб қилади.

Фалсафа фанининг танқидий функцияси ҳам борки, бунга кўра у ўз қоидалари, дунёқарашлар танлови ва методологик йўл – йўриқларига қотиб қолган, ўзгармайдиган, абадий тўғри деб эмас, балки, доим ўзгариб, ўсиб такомиллашиб турадиган қоидалар, дунёқарашлар, йўл – йўриқлар сифатида, уларга танқидий кўз билан қарайди. Шунга кўра, фалсафа фани ўз вазифасини, хизматини ўтаб бўлган, эскирган қоидаларини янгилари билан алмаштиради. У инсон ва оламни билиш жараёнига доир янги пайдо бўлган назарий ва методологик вазифалар ҳамда муаммоларни ҳал этиш учун янги қоидалар, янгича дунёқарашлар ва йўл – йўриқларни ишлаб чиқади.

Илмий фалсафанинг инсониятнинг ҳозирги куни ва келажаги учун сув ва ҳавадай зарур, долзарб муаммоларини фаол ўртага қўйиш ва ҳал этишга интилиши — унинг **эвристик** (грекча «очаман, кашф этаман» сўздан) функциясига киради. Бу ўз навбатида ижодий тафаккурнинг самарадорлигини оширади **Синтезлаштириш функцияси** ҳам шунга алоқадор бўлиб, бунга кўра фалсафа фани тарихан шаклланган фалсафий — назарий пойдеворга асосланиб, билим ва амалиёт турли соҳаларини таҳлил қилиб, умумлаштириб, бу билимларнинг келажакдаги ривожига йўл очади. Фалсафанинг эвристик табиатидан келиб чиқувчи бу хусусиятини унинг **прогностик** (башорат қилиш) функцияси дейилади. Фалсафанинг прогностик функцияси юқорида қайд этилган функцияларнинг энг муҳими, инсоният, инсон, жамият инсоният тараққиётини фақат эзгулик сари ҳаракат қилишликка даъват этиши зарур. Аммо бизнинг фикримизча ҳозирги кунда фалсафанинг бу функцияси маълум даражада оқсамоқда.

Илмий фалсафанинг муҳим хусусиятларидан яна бири — унинг маърифий, яъни, **маърифатчилик** функциясидир. У турли фалсафий муаммоларга, фалсафа тарихига айрим мутафаккир шахсларнинг таълимотларига доир билимларини тўплаб ва ўзлаштирибгина қолмай, кенг жамоатчилик ва халқ орасида фалсафий муаммоларни, уларнинг ечимларини тушунтириб, одамларни фалсафий фикрлашга ўргатади.

Фалсафанинг мана шу маърифатчилик функциясидан унинг яна бир хусусияти — **коммуникатив** (мулоқот, алоқалар ўрнатувчи) функцияси ҳам келиб чиқади. Шу хусусиятига кўра фалсафа турли мутафаккир, файласуфлар, турли минтақалар ва мамлакатларнинг одамлари ўртасида маданий ва дўстона алоқаларни кучайтиради. Ва бу хосияти билан фалсафа бутун дунё одамларининг оқилроқ, олижаноблироқ маданий, маънавий оламлари гўзалроқ бўлишига ёрдамлашади.

Фалсафий билимлар, муаммолар юзасидан фикр алмашувлар турлича кўринишларда бўлиши мумкин. Масалан, файласуф олимлар турли мавзуларда радио, телевидение орқали чиқишлари, газета, журналларда, турли шаҳарларда ва мамлакатларда бўладиган илмий конференцияларда маърузалар билан чиқишлари, баҳс мунозараларда қантнашишлари мумкин. Фалсафий билимларни кенг тарқатиш учун энг яхши замин — бу ўқувчилар, талабалар йиғилган синфлар, аудиторияларда ўқиладиган маърузалар, суҳбатлар, баҳс — мунозаралар ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Фалсафанинг коммуникатив (мулоқот) функцияси кўпроқ фалсафа фани муаллимлари, олимлари, мутахассисларнинг аудиториялардаги, файласуфларнинг назарий, методологик, йиғинларида, ихтисослар учун семинарларда, Ўзбекистон Фалсафа жамиятининг мажлисларида, Доимий назарий Семинарларида фалсафанинг долзарб муаммоларини, мамлакатимиз маданий ва маънавий ҳаётининг турли фалсафий жиҳатларини муҳокама қилишда ҳам яққол кўринади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари фалсафий мушоҳадага эга бўлгани учун халқаро жамоатчилигини эътироф этишича, бутун инсониятнинг тинчлик ва хавфсизлик, маданий ва дўстона алоқалар йўлидан тараққий этиши учун хизмат қилмоқда. Айниқса, унинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби шу жиҳатдан барча халқлар учун катта аҳамият касб этмоқда.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳи билан суғорилган бундай китоблар барчани, айниқса ёш авлодларни инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида вояга етказиш учун ғоят муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Бундай китоблар умумжаҳон тараққиётидан ажралмаган ватанпарварликни шакллантириш учун хизмат қилади.

Фалсафанинг праксиологик ва интегратив функциялари ҳам маърифий ва тарбиявий хусусиятлардан келиб чиқади.

Амалий фаолият кишиларнинг дунёқарашини шакллантиришнинг ва бу дунёқарашнинг назарий кўриниши фалсафанинг асосий манбаидир. **Праксиологик**, яъни амалий фаолиятга доир функция инсон, жамият, бутун инсониятнинг ижтимоий — тарихий тажрибасидан келиб чиқади. Бу ижтимоий — тарихий тажриба илгор фалсафий тафаккурни вужудга келтиради. Энг долзарб ва умумбашарий вазифаларни ҳал этиш зарур бўлиб қолганда фалсафанинг роли ва аҳамияти янада ортади. Масалан, экология муаммолари, жамиятнинг хавфсиз ривожланиши, маданий тараққиёт йўлидан бориши шулар жумласидандир.

Фалсафа фанининг **интегратив** функцияси жамият хавфсизлик ва тараққиёт йўлидан ривожланиши учун дунё халқларини бирлаштиришга, уларни бошини жипслаштиришга хизмат қилади. Фалсафанинг бу соҳасига Президентимиз И.А.Каримов салмоқли ҳисса қўшди. Интегратив функция — дунёни тинч йўл билан ривожлантиришга муҳим янгиликлар қўша олиш хусусияти шу соҳадаги барча босқичларда — якка шахс тақдиридан жаҳон ҳамжамияти тақдирига, истиқболга яхшиликлар келтириш мақсадида жуда кўп вазифалар ва муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўллари излаб топишга қаратилган.

Фалсафанинг яна бир муҳим функцияси — унинг **гуманистик (инсонпарварлик)** функциясидир. Юқорида айтганимиздек, инсонпарварлик — фалсафанинг туб моҳиятини ташкил этади.

Фалсафанинг инсонпарварлик функцияси ҳали етарли тадқиқ этилмаган, ўрганилмаган. Инсонпарварлик функциясини алоҳида ажратиб қараш фалсафа фанининг инсон ва жамият ҳаётидаги ролини яхшироқ англашга бўлган интилишнинг натижасидир.

Инсонпарварлик функциясини бутун фалсафий онг ва билимлар системасини ташкил қилувчи, илмий фалсафанинг интегратив, тартибга солувчи сифатларининг ифодаси, мақсадлари ва масалалари, асл моҳиятини белгиловчи сифатлари тарзида кўриб чиқиш ҳудди ана шу жиҳатлардан кўринади.

Хўш, фалсафа фанининг инсонпарварлик функцияси нимадан иборат?

Инсонга ўз фаолиятининг меваси ва жараёни, шарт—шароитлари, мақсади ва қадриятлари, мазмуни ва маъноси жиҳатидан ўзининг ижтимоий мавжудот мақомига муносиб бўлишга ёрдам беради. Бу эса инсоннинг бугунги кундаги бетакрор, ўзига ҳос воқелик, олам ва ўзи ҳақидаги муаммолар, ўзининг олам билан бўлган муносабатлари, ўз ҳаётининг маъноси ва мақсади, ўзининг цивилизация учун энг олий қадрият бўлган инсонпарварлик вазифаси ва бутун планетани асраш ҳақида фикр юритишга лаёқатини кўрсатади.

Айтиб ўтилганлар ўзга сайёралар тараққиёти ва мавжудотларини излаш, улар билан дўстона алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш эҳтимоллари борлигини ҳам рад қилмайди. Аммо шуниси ҳам борки, кейинги вақтларда ўзга сайёраликлар ҳақида илмий исботланмаган айрим шов—шувларнинг кўпайиши билан баъзи одамлар, Ер юзида фалокатларнинг кўпайишига ўзга сайёраликлар айбдор деб, ўз зиммаларидаги олам тақдирига доир масъулиятни бошқаларга ағдаришга уринмоқдалар. Ўзга сайёраликлар ҳақидаги фикрлар ҳозирча илмий исботланмагани учун аҳолининг баъзи табақаларида турли релятивизм руҳидаги (оламни билиб бўлмайди, деган руҳдаги) қарашлар ва кайфиятларни ва ҳатто апокалипсис (қиёмат яқин деган) кайфиятларни туғдирмоқда.

Ўзга сайёраликлар ҳақидаги шов—шувлар асосида олимлар ҳам сунъий интеллект (ясама ақлли

мавжудотлар) яратишга уринмоқдалар. Бу эса, ақлий роботлар ва толмас машиналар яратувчи истеъдодли олимларга ҳақоратдай туюлмоқда. Бунинг устига айрим олимлар назарида интеллект (ақлий қобилият) инсоннинг ягона ва асосий фазилати деб баҳоланмоқдаки, бу ҳам тўғри эмас. Чунки, инсонлар ақлий қобилиятининг қандай йўналиш олиши муҳимдир. У вайронагарчилик томон оғиб кетганда, инсоният бошига беҳад кулфатлар келтириш тарихдан маълум. Бинобарин, инсон ва унинг уюшмалари фаолиятини оқилона — бунёдкорлик ажратувчилик томонга буриб юборишда илмий фалсафанинг бетакрор ўрни бор. Инсон ақл — заковати унинг ички, маънавий олами гўзаллиги билан белгиланишини доим эсда тутиш керак.

Шу тариқа, фалсафа фанининг (гуманистик) инсонпарварлик функцияси бошқа функциялар билан бир қаторда инсоннинг асл моҳиятини, қадр — қимматини юқори кўтаришга хизмат қилади. Аслида, фалсафанинг инсонпарварлик мазмуни, моҳияти — унинг маданият тизимидаги етакчи ўрни ва ролида ўз ифодасини топади.

Буюк олмон файласуфи Гегель «Фалсафа тафаккурга айланган бутун бир даврдир» деганида ҳақли эди. Табиийки, давр деганда биз бутун инсоният тарихидаги тараққиёт босқичларини тушунамиз. Дунё халқлари фалсафа давр муаммоларини, вазифаларини, зиддиятларини, машаққатларини, барча соҳаларда тараққиёт йўлларида ўзгаришларни акс эттирувчи орзу, идеалларини яхши ният, мақсадларини кўрадилар. Буларнинг барчаси илмий фалсафа соҳаларини, мазмунини, тузилишини, таркибини, моҳиятини акс эттиради.

Хулоса қилиб, илмий фалсафанинг мазмуни, моҳияти нимада?, деган саволга — «Олам — одам» муносабатлари ўртасидаги серқирра алоқадорликлар системасидаги энг умумий масалаларни аниқловчи, ўртага қўювчи

ҳамда оқилона ҳал этувчи мураккаб мулоҳазалардан иборат, деймиз.

Демак, фалсафа – борлиқнинг энг умумий муаммолари, инсон, жамият, бутун инсоният ҳаётининг маъноси, мақсадлари ҳақидаги фандир. У олам ва инсоннинг моҳияти ҳақидаги тушунчалар воситасида фикр юритиш малакасини ҳосил этиш билан бошқа фанлардан ажралиб туради.

III. ФАЛСАФА ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ

Фалсафа фанининг бошқа фанлар, санъат, урф – одатлар, анъаналар, ижтимоий амалиёт, мифология ва дин каби дунёқарашлар билан генетик (азалий) алоқаларидан билиш мумкинки, фалсафа – даставвал маданиятнинг ўзига хос тури, таркибий қисми компоненти (элементи)дир. Бошқача айтганимизда, фалсафанинг келиб чиқиши – тарихий ва ижтимоий – маданий жараёнларда ўзгаришлар оқибатида, жамият, инсоният, унинг тафаккури, оламга ва ўзига муносабати тараққиётидаги муҳим босқичдир. Бинобарин, фалсафа – жаҳон маданий тараққиётида янги, юқори даражадир.

Фалсафанинг маданият билан алоқалари ва ўзаро боғланишлари вақтинча эмас, балки доимий, жамият тараққиётининг барча босқичларида қонуний, моҳиятли алоқалар ва боғланишлардир. Табиийки, бу алоқалар ва боғланишлар тарихий ҳамда ижтимоий – маданий шарт – шароитлар билан, одамларнинг ижтимоий – амалий ва илмий фаолиятлари, маънавий эҳтиёжлари билан боғлиқдир.

Фалсафанинг маданият тизимидаги ўрни ва ролини маданиятнинг бошқа соҳалари: фан, ахлоқ, саноат ва адабиёт, мафкура ва маърифат билан алоқалари ва ҳамкорлигини аниқлаш йўли билан тушуниб олишимиз мумкин. Фалсафа маданиятнинг бошқа соҳалари билан алоқалари ва ўзаро ҳамкорлиги унинг мазмуни, моҳияти, тузилишидан келиб чиқади.

Фалсафа хазинасидаги умумолам кўламида, универсал фикрлаш методи — услуби барча хусусий фанларнинг билиш методлари учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Хусусий фанларнинг илмий услубларидан ва қайси бирини танлаш ва тадқиқотчи ўрганаётган нарса, ходисанинг табиатига ва қўйилган мақсадига боғлиқдир. Турли илмий билимларни синтез қилиш хусусиятига эга бўлган фалсафа фани бошқа фанлар ютуқлари ва маълумотларини умумлаштириш, ўзини ҳам, бутун маданият тизимини ҳам янги билимлар, муҳим хулосалар билан бойитади ҳамда уларнинг барчасини оламни тушуниш тизимига киритади. Буларнинг барчаси — ҳиссий, моддий ва маънавий оламларни мужассамлаштирувчи маданиятни, ижодий фаолиятни ривожлантириш учун битмас — туганмас ҳаётбахш булоқдир.

Фалсафа муман ҳаёт ва маданий ҳаётнинг энг муҳим, асосий қадриятлари ҳақида ягона, умумбашарий тасаввурларни ҳосил қилиш билан бирга, ана шу тараққиёт — цивилизация учун абадий, мангу, сира ўлмас қадр — қимматга эга эканлигини асослаб, исботлаб ҳам беради.

Адолат, тенглик, гуманизм, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва шу асосида халқаро ҳамкорлик қилиш — инсон манфаатлари учун, жамият, маданият тараққиёти, цивилизация учун бирламчи, устувор қадриятлардандир. Фалсафа — мана шу қадриятларни қарор топтириш учун халқаро аҳиллик, ҳамжиҳатлик, турли миллатлар, халқлар, элатлар, маданиятлар ўртасида мулоқотларни мустаҳкамлаш учун салмоқли ҳисса қўшмоқда, жамиятимизда ва бутун башариятда барқарорликни, тинчликни сақлаш учун ҳаётбахш таъсир кўрсатмоқда.

Инсоннинг мавжудлиги, борлиқнинг фалсафий муаммоларини бадий — эстетик идрок этиш туфайли қанчадан — қанча чинакам гўзал, салмоқли адабиёт ва санъат асарлари вужудга келган. Оламни бадий — эстетик идрок этишнинг турли шакллари, кўринишлари

ижодкорнинг, жамият ёки даврнинг ижобий ёки салбий идеалини акс эттириш услубларига, унинг ният, мақсадларига боғлиқдир. Адабиёт ва санъатнинг, бутун бадиий маданиятнинг ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, ижодкор идеали асар мазмунида қанчалик умуминсоний кўламларда, қанчалик ёрқин индивидуаллашган — жонли, бетакрор образларда гавдаланган бўлса, инсонпарварлик руҳи қанчалик теран бўлса бадиий — эстетик, ахлоқий — маънавий жиҳатдан юксак бўлса, жаҳон маданияти хазиначисига шунчалик улкан ҳисса бўлиб қўшилади. «Овесто»даги панд — насиҳатлар, «Алпомиш», «Гўрўғли» каби дostonлар, Ҳомер дostonлари, Эсхил, Софокл, Эврипид, Шекспир драмалари, Данте, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Низомий, Навоий, Румий, Бобур, Байрон, Пушкин, Бальзак, Гюго, Диккенс, Андерсен, Эдгар По, Марк Твен, Чехов, Сервантес, Достоевский, Фирдавсий, Рабле, Тагор, Тургенев, Толстой, Чингиз Айтматов, Мухтор Аvezовлар бадииятининг нодир намуналари, Чайковский, Бах, Гайдн, Моцарт, Верди мусиқалари, Юнус Ражабий, Мутал Бурхонов, Мухтор Ашрафий ва Шашмақомнинг куйлари, шунингдек, Машраб, Абдулла Қодирий, Ойбек, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Гофур Гулом, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби ўзбек адабиётининг йирик номоёндаларини асарларидаги чуқур фалсафий фикрлар уларни абадийликка олиб келдики, шу жиҳатдан улар инсонпарварликнинг юксак намуналари бўлиб қолди.

Фалсафа — маданиятнинг таркибий қисмларидан бири сифатида маданият билан умумий томонлари ҳам борлигини, шу билан бирга, фақат фалсафанинг ўзига хос томонлари ҳам борлигини кўрамиз. Фалсафа билан маданиятнинг умумийлиги, бирлиги нималарда кўринади? Аввало шундаки, фалсафа ҳам маданият каби инсон ва олам, инсон ҳаётининг маъноси ва мақсадлари, инсоннинг оламдаги ўрни муаммоларини, худди маданият, санъатдаги каби, инсон озодлигида, бунёдкорлигида, маънавий баркамоллигида, адолат, гўзаллик ва эзгулик, яхшилиқни қарор топтириш

йўлида фидокорлик кўрсатишида деб билади. Бошқача айтганда, фалсафа ҳам, маданият ҳам моҳиятан инсонпарварлик руҳи ифодасидир. Айтиш мумкинки, фалсафа ва маданиятнинг энг муҳим юксаклик мезони инсонпарварлик (гуманизм)дир.

Фалсафа — дунёқараш функцияси туфайли мафқуранинг негизи, асосини ташкил қилади. Мафқура ҳам, фалсафа ҳам маданиятнинг таркибий қисмларидир. Яқин ўтмиш ва ҳозирги замон, реал воқелик билан чамбарчас боғлиқдир.

Яъни:

а) Фалсафа мафқурага ғоявий асос бўлса, мафқура ёрдамида эса фалсафий фикрлар хулосалар одамларнинг иймон — эътиқодига айланади;

б) Фалсафа ва мафқура — маданиятнинг ўзаро алоқадор таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади.

Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов ўзининг асарларида, нутқ ва маърузаларида, айниқса оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан қилган суҳбатлари қайта — қайта алоҳида эътибор билан таъкидлаганлиги бежиз эмас.

Фалсафа билан мафқуранинг фарқлари эса:

а) Фалсафа — борлиқ ва тафаккурнинг энг умумий қонуниятлари ҳақидаги билимлар ва илмлардир, оламнинг яхлитлигини тушунишда ёрдам берувчи дунёқарашдир;

б) Мафқура эса фалсафадан озиқ олиб, оламини тушунтиришга ҳаракат қилади, аммо у ижтимоий ҳодисаларни муайян ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига мувофиқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қилади.

Биз мафқура нималигини, унинг фалсафага алоқадорлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, барча мафқураларга бир хилда ёндашиб бўлмайди. Чунки, мафқуралар қандай ғояларга таяниш билан бир — биридан фарқланади.

Умуминсоний гоъларга асосланган мафкуралар бор ва айни пайтда айрим ижтимоий, сиёсий гуруҳларга хизмат қилувчи гоълардан озиқ олиб шакланган мафкуралар ҳам мавжуд.

Биринчидан, мафкуралар маълум маънода айрим гуруҳларга хизмат қилувчи фалсафий дунёқарашга ва тор маънодаги қадриятларга асосланиши мумкин.

Иккинчидан, эса мафкураларда «олам ва одам» муносабатларига доир фалсафий дунёқараш асосида ёндашув ўз ифодасини топган бўлади.

Учинчидан, мафкураларда қандай қадриятларнинг тан олинishi, тан олинмаслиги, улар умуминсоний, умуммиллий ёки ижтимоий гуруҳларнинг тор манфаатларига хизмат қиладиган қадриятларни қадрлашлари билан баҳоланади ва муносабат белгиланади.

Мустақил Ўзбекистон жамиятининг мафкураси ўтмиш сабоқларидан хулоса чиқариб, ўзбек халқининг гоът бой маънавий — маданий меросига, жумладан, фалсафий меросига суяниб, жаҳон цивилизацияси ва муваффақиятларидан самарали фойдаланиб шакланмоқда ҳамда ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикасида илмий фалсафа билан мафкура ўртасидаги алоқадорлик нималарда кўринади?

Биринчидан, мафкурада ҳам, фалсафадаги каби, «Инсон — барча мавжудодлар гултожи», «инсонпарварлик — борлиқ ва жаҳон цивилизациясининг олий қадрияти» деган умуминсоний қоидалар асосида, ҳар бир инсон манфаатлари ҳисобга олинган.

Иккинчидан, мафкурани асослашда, шаклантириш ва ривожлантиришда ўзбек халқининг, Марказий Осиё халқларининг, жаҳон халқларининг ўтмишдаги ва ҳозирги маданияти муваффақиятлари ҳисобга олинган.

Учинчидан, миллий суверенитетни, миллий руҳият — менталитетни сақлаш, жаҳон тараққиёти — цивилизациясига қўшилиш — интеграция қилиш ҳисобга олинган.

Тўртинчидан, давлат сиёсатида ва давлатнинг бошқа структураларида, жамоатчилик ташкилотларида (халқ маорифи тизими, «Маънавият ва маърифат», «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» ташкилотлари) миллий мустақиллик руҳида фаолият кўрсатиш ҳисобга олинган.

Бешинчидан, бу мафкура — инсон, жамият, маданият ва цивилизация — тараққиёт манфаатларига мувофиқ келади. Бу мафкурада ўз — ўзини танқид руҳида, ижодий ёндашиш мумкинлиги ҳисобга олинган.

Олтинчидан, ижтимоий ва иқтисодий зиддиятларни кучайтириш, ўзаро курашиш, социал инқилоблар йўли билан эмас, балки ўзаро ҳамкорлик, барқарорлик, эволюцион (босқичма — босқич) тараққиёт йўли билан мақсадга эришиш мумкинлиги ҳисобга олинган.

Еттинчидан, инсонпарварлик руҳидаги турли фалсафий оқимлар, жумладан, миллий ва диний қадриятлар ҳам ҳисобга олинади. Мафкурадаги мана шу бағрикенглик, очиқ кўнгиллилик туфайли диний — маънавий қадриятларнинг инсон ва жамият камолотига ҳаётбахш таъсир қилиши эътироф этилади.

Саккизинчидан, миллий истиқлол мафкурасининг фалсафа билан ўзаро алоқадорлиги турли дунёқарашлар, фикрлар, ишонч, ақидалар ранг — баранглигини, эътиқодлар эркинлигини тан олади ва бу ранг — барангликни инсон, жамият, маданият тараққиётининг энг муҳим шартлари деб билади (Ўзбекистон Конституциясига зид келмаган ҳолларда).

Тўққизинчидан, фалсафа билан мафкуранинг ўзаро алоқадорлиги яна шунда кўринадики, бу мафкурада жамиятнинг мустақиллик ва жаҳон цивилизациясига

қўшилиш йўлидан бориб, ривожланишга боғлиқ кўпгина муаммоларни, жумладан, бозор иқтисоди муносабатлари, мулк ва меҳнатнинг турли шакллари, жамиятнинг турли тоифалардан тузилиши, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг мутаносиблиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, шахснинг ахлоқий – маънавий камолоти муаммоларини ўз олдига қўяди ва ҳал этишга интилади.

Шундай қилиб, мафкура ва фалсафа ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлса – да, бирини иккинчиси билан алмаштириш ёки буларни қўшиб юбориш мумкин эмас. Чунки фалсафанинг ҳам, мафкуранинг ҳам ўзига хос мақсадлари ва вазифалари бор.

ХОТИМА

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эга бўлгандан кейин ҳуқуқий давлат, бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган демократик фуқаролик, инсонпарварлик, адолатли ва дунёвий ахборотлашган жамиятни барпо этишда фалсафанинг роли, ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Шу мақсадда мамлакатимиз янги жамият қуришнинг барча жабҳалари бўйича: ижтимоий — сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларда кенг кўламли ислохотларни амалга оширмоқда.

Табиийки янгиланаётган жамият, ўз навбатида, фалсафа фанини ҳам янги методологик асосларда, ворисликка таянган ҳолда ривожланишини тақозо этмоқда. Гап шундаки, шўро тузуми даврида марксча — ленинча фалсафанинг мазмуни ва моҳияти — бевосита синфийлик ва партиявийликка асосланган бўлиб, у тор бир гуруҳ манфаатлари ифодаси бўлиб қолган, шу туфайли фан реал ҳаётдан ажралган, жаҳон фалсафий тафаккури тараққиёти жараёнидан узилган, ўта мафкуралаштирилган ва сиёсийлаштирилган, шу маънода у дунёвий — дин даражасига кўтарилган бир мазҳаб эди.

Эндиликда шаклланаётган фалсафа марксча — ленинча назариянинг синфийлик, демакки, ғайриинсонийлик хусусиятидан мутлақо холис бўлган, мустақилликни ижтимоий — сиёсий, иқтисодий ва маънавий асосда мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган, шарқона маданиятининг мазмун — моҳияти ҳам ўз ифодасини топган фалсафа бўлмоғи даркор. Фалсафа фани ҳар қандай муаммо — масалаларни кундалик онг даражасида тушунишидан ҳоли бўлгандагина у эътибор қозониши мумкин.

Аниқроқ қилиб айтганда, фалсафа фани мустақилликни ғоявий, назарий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи даркор. Унинг асосий ва муҳим тамойиллари:

◦ синфийлик ва партиявийлик тамойилларига амал қилмаган ҳолда, одам ва оламни билишга доир методология, аксиологик, антологик, праксиологик, инсонпаварлик, олдиндан кўриш, шўнингдек тарбиявий, маърифий, синтезловчи, интегратив ва бошқа функцияларига мувофиқ Ўзбекистон ва бутун жаҳон тараққийпарвар халқларининг тарихий, маънавий, маданий меросларига таяниши;

◦ илмий фалсафа фақат ва фақат у ёки бу файласуф, мутафаккир, ёки олимнинг эътиқодий қарашлари ифодаси бўлмайди;

◦ бу фалсафа синфийлик, партиявийлик тамойилларидан келиб чиқиб, фалсафани материалистик ва идеалистик оқимларга парчалаб юбормайди.

◦ Бу фалсафа ўтмиш мутафаккирларини ижодий меросидаги миллий, умуминсоний, маънавий, маданий, бадиий қадриятларни қарор топтирувчи қимматли асарларнинг мазмуни ва моҳиятига таянади, улар меросини бутунги ва келгуси авлодларнинг маънавий юксалишига, бутун инсоният тараққиётига қанчалик ҳисса қўшганликлари билан қизиқади;

◦ Халқларимиз маънавий, маданий, фалсафий мероси хазиналарини ўрганишга холис ва оққўнгиллилик билан, буюк аждодларимиз меросига хурмат — эҳтиром билан ёндошади;

◦ диний фалсафани инкор қилмайди, балки ундан ўринли ва самарали фойдаланади. Айниқса динлардаги аҳдоқий тарбияга оид фалсафий қарашларни қадрлаб, уни ўзлаштиришга интилади;

◦ жаҳон фалсафий тафаккурининг турли оқимларини: экзистенциализм, позитивизм, неопозитивизм, персонализм, прагматизм, шунингдек, тасаввурнинг ижобий томонларини ҳам эътиборга олади.

◦ Фалсафанинг қонунлари ва категорияларини янгича мазмун билан бойитади, фалсафий билишнинг диалектик синергетик, метафизик ва бошқа услубларига таянади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг асарларида, нутқ ва маърузаларида, мақолалари ва матбуот ходимлари билан ўтказган суҳбатларида, шунингдек, республикамиз файласуфларининг илмий — тадқиқот ишларида юқорида баён этилган тамойилларга асосланиб, янгича методологик ёндошувларга асосланган илмий фалсафани яратиш борасида анча — мунча ютуқлар қўлга киритилганлигини қайд этмоқ лозим.

Ўзбекистон халқларини қадимий ва бой маданий — маънавий мерос билан таништириш, уларда миллий онг ва миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини уйғотиш шу асосда янги маданий, маънавий бойликларни бунёд этишга руҳлантириш барча таълим — тарбия муассасаларининг олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Шу тариқа халқларимиз миллий истиқлолни мустақамлаб, бунёдкорлик фаолияти билан моддий ва маънавий бойликларни кўпайтириб, жаҳон ҳамжамияти тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Бу вазифаларни ҳал этишда маънавий етуклик ва тарбияга тобора кўпроқ аҳамият берилмоқда. Кишиларни адолат ва ҳақиқатни, эзгулик ва гўзалликларни қадрлаш, ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаш фалсафанинг ҳам азалий вазифасидир.

Илмий фалсафани ўрганиш — умуминсоний, гуманистик руҳда фикрлашга, турли миллатлар ва шахслараро гўзал инсоний муносабатларни ўрнатишга ёрдам беради.

Фалсафий фикр инсоннинг юксак маданиятли, етук шахс бўлиб вояга етишишига, ўз феъл — атвори, ҳатти — ҳаракатларига танқидий қараб, камолотга эришиш йўллари топишга ёрдам беради.

Фикр дейди — машҳур Эрон файласуф олими Саййид Муҳаммад Хотамий «Ислоҳ тафаккури тарихидан» номли нодир асарида — бу инсон ҳаётининг

манбаи ва инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи омил, фикр савол қадрлангандагина мавжуд бўла олади. Савол эса ҳамма вақт мавжуддир, бироқ у фақат аниқ ва тўғри савол бериш имкони бўладиган, самара берадиган хавфсиз ва эркин муҳитда пайдо бўлиши мумкин. Акс ҳолда ичкарида мавжуд бўлган саволлар ҳеч қачон тугамайди ва йўқолмайди, агар мабодо улар қирғин қилинадиган бўлса, улар фикрнинг зиддига айланади. Бу эса жамият учун хийла хавфлироқдир.¹

Фалсафа барча халқлар ўртасида аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, одамларни гўзал инсоний фазилатларни қадрлашга ўргатади.

Фалсафа — инсон ижодий, моддий, маънавий фаолиятини назарий англашнинг шаклларида бири бўлибгина қолмай, у маданият, жамият, даврнинг ҳам ўзлигини англашга хизмат қилади.

Қисқаси, фалсафа — комил инсонни шакллантириш ва ижтимоий тараққиётнинг қудратли қуролидир.

¹¹ Сайид Муҳаммад Хотамий «Ислом тафаккури тарихидан» — Т.: «Минҳож» нашр. 2003. 273 — бет

МУНДАРИЖА

1. Фалсафанинг вужудга келиши — жамият тараққиётининг тарихий ва ижтимоий — маданий қонунияти. 3
2. Фалсафанинг структураси ва функциялари. 18
3. Фалсафа ва унинг жамият тараққиётидаги роли. 41
4. Хотима 48

Саид Шермухамедов

ФАЛСАФА ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Муҳаррир: Б. Валиев

Компьютер устаси: Д. Жалилов

Рассом: У. Солиҳов

Босишга рухсат этилди 28. 04. 05 й. Бичими 60x84x¹/16.

Шартли босма табоғи 3,25. 5000 нусха. Шартнома №-328

Баҳоси шартнома асосида.

«MERIYUS» ХМНК босмаҳонасида босилди. Тошкент, Ген. Узоқов кўчаси, 2-А уй. Тел.: 180-30-39, 49-35-11.





211

3 330000 760336